БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КП МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ, ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИ ОРГАНИ

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • № 2 (18.180). • 3 январь 1982 йил, якшанба Баҳоси 3 тийин.

Комсомол аъзоси Хайитжон Қурбонова КПСС XXV съезди номли Урганч пиллакашлик фабрикасининг илғор ишчиларидан ҳисобланади. У ўн бешлар ташаббусига қўшилиб, беш йиллик мобайнида ўн йиллик топшириқни бажаришга аҳд қилган. Ҳозир Хайитжон Қурбонова 1983 йил ҳисобига меҳнат қилмоқда. Суратда: Х. Қурбонова.

Қ. Отаев фотоси (ЎзТАГ).

СССР 60 ЮБИЛЕЙ ЙИЛИ БОШЛАНДИ

АЗИЗ ВАТАНИМИЗ тарихидаги нурли байрамлардан бири — Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи ташкил этилган кунининг олтмиш йиллиги нишонланадиган қутлуғ 1982 йилга ҳисоб очилди. Янги йилни барча совет кишилари КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг совет халқига йўллаган жўшқин табрикномаси билан кутиб олдилар. Табрикномада ўтган йил ижтимоий ҳаётимизда ниҳоятда салмоқли бўлганлиги, халқимиз олдида янги тарихий истиқболлар очган партия XXVI съезди белгилаб берган улуғвор режалар муваффақиятли амалга оширилаётганлиги зўр мамнуннят билан таъкидланди.

Мамлакатимиз СССР ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланажак йилга зўр умид, ижодий куч ва ғайрат билан қадам қўймоқда. Партия ва ҳукуматимиз совет халқига йўллаган, янги йил қутловида, «Совет кишилари юбилей йилини планлар ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажариш билан, иш самарадорлиги ва сифатини янада ошириш билан нишонлайдилар, юксак уюшқоқлик, ишчанлик интизомлилик, бутун кучни сарфлаб меҳнат қилиш маҳоратини кўрсатадилар» деб юксак ишонч билдирилади.

Халқимиз ана шундай зўр ғайрат-шижоат ва ижодий куч-ғайрати бениҳоя жўш урган қўтаришки бир вазнятда ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи пиллапоясига қадам қўйди. Бу йилги бунёдкорлик режаларимиз КПСС Марказий Комитетининг ўтган йил бўлиб ўтган ноябрь Пленумида ҳамда ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқида, СССР Олий Советининг сессиясида аниқ-равшан белгилаб берилди.

«Ўн биринчи беш йиллик, — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев Пленумда сўзлаган нутқида, — совет халқининг тарихий зафарлари йўлида шонли босқич бўлиб қолиши лозим ва шундай бўлиб қолади. Мамлакатимиз меҳнаткашлари шу йўлда янгидан янги муваффақиятларни қўлга киритиш учун бутун куч ва ғайратларини, ижод ва ташаббусларини сарф қилишларига шак-шубҳа йўқ». Бу ўринда куни кеча старт олган 1982 йил алоҳида ўрин тутади. Бу йилги планларимизда мўътадил ўсиш суръатлари кўзда тутилган бўлиб, экономикамизнинг реал имкониятларига асосландик. Эндиги вазифа — бу планларнинг сўзсиз бажарилишини ҳам худди шундай қатъият билан таъминлашдан иборат.

Бизда план тасдиқланганидан кейин бутун ҳаётимиз ва фаолиятимизнинг муқаддас қонуни бўлиб қолади. Шундай экан, ишчидан тортиб, министргача — ҳамма планни қонун деб, партия ва давлатимизнинг жуда муҳим ҳужжати деб билиб, шунга яраша муносабатда бўлишга мажбурдир.

Беш йилликнинг иккинчи йили партия XXVI съезди қарорларини амалга оширишда муҳим босқич бўлиб қолиши даркор. Биз куч ва ресурсларни бир жойга тўпланган ҳолда асосий фондларни ишга туширишни кўзлаётганимиз зарур. Бу йил сарфланадиган капитал маблағлар ўтган йилдагидан 117 миллион сўм кўпайиб, 5.5 миллиард сўмни ташкил этади. Шунинг салкам бешдан тўрт қисми ишлаб чиқариш қувватларини бунёд этишга сарфланади. Андижон ва Туямўйин ГЭСларида янги қувватлар ишга туширилади, Янги Ангрен ГРЭСи ва Муборак газни қайта ишлаш комплексидаги ишлар давом эттирилади. Химия саноати қувватлари оширилади. Бир қанча машинасозлик корхоналари реконструкция қилиниб, уларни кенгайтириш ишлари давом эттирилади.

Ҳамма нарса инсон учун, инсоннинг бахт-саодати учун деган шиор партиямиз ва Совет давлатимиз ҳамиша амал қиладиган ўзгармас шиордир. Бу йил халқ турмуш даражасини ошириш мақсадида кенг истеъмол моллари ишлаб чиқаришга 300 миллион сўм маблағ сарфлаш кўзда тутилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида катта ўзгаришлар юз беради. Республикамизнинг асосий бойлиги бўлган пахта етиштириш беш йиллик мобайнида 30 миллион тоннани ташкил этади.

Кўриниб турибдики, бу йил бажариладиган ишлар ҳажми ва кўлами ниҳоятда кенг қамровлидир. Белгиланган режаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш учун қаттиқ тежамкорлик режимига амал қилишимиз, хўжасизлик ва исрофгарчиликка сира йўл қўймаслигимиз, истисносиз ҳамма объектларда мўлжалланган қувватларни ишга туширишимиз зарур.

Бу йил ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 60 йиллиги нишонланади. Бу байрам Коммунистик партиямиз ленинча доно миллий сиёсатининг тантанаси, халқлар дўстлиги ва қардошлигининг тантанасига айланади. Доҳиймиз Владимир Ильич Ленин мамлакатимиздаги барча миллат ва элатлар ишчи ва деҳқонларнинг ихтиёрий иттифоқини қай тариқа вужудга келтириш мумкинлиги ҳақида гапириб, бундай деган эди: «Биз, миллатларнинг ихтиёрий иттифоқини, — бир миллатнинг иккинчи миллатга ҳеч қандай зўравонлик қилишига йўл қўймайдиган иттифоқини истаймиз. Мутлақо тўла ишончга, қардошларча бирликни очиқ ва равшан тушуниб олишга, тўла ихтиёрийлик асосидаги келишувга асосланадиган иттифоқини истаймиз».

Дарҳақиқат, мамлакатимиздаги барча миллат ва элат меҳнаткашларининг бирлиги — революция ғалабасининг асосий шарт-шароитларидан биридир. Қудратли иттифоқимизнинг самараларини бугунги кунда мамлакатимиз, ҳар бир иттифоқдош республика мисолида яққол кўриб турибмиз. Бир вақтлари қолоқ чекка ўлка бўлган Туркистон ўлкаси, шу жумладан Совет Ўзбекистонимиз ниҳояти бир авлод умри мобайнида асрлар ва минг йилликларга арзигулик ишларни амалга оширди. Аҳолиси деярли ёппасига саводсиз бўлган Ўзбекистон меҳнаткашлари феодализм ботқоғидан социализм осмонига кўтарилдилар. Эндиликда улар барча қардош-қондош совет халқлари билан биргаликда коммунизмнинг нурафшон биносини барпо этмоқдалар.

Биз жамики эришган ва қўлга киритаётган муваффақиятларимиз манбаини шонли партиямиз раҳбарлигида, ҳур республикалар иттифоқининг ҳамжиҳатлигида, қардош халқларнинг метиндек бузилмас бирлигида деб биламиз. Шу боисдан ҳам «СССРнинг 60 йиллигига — 60 зарбдор ҳафта» эълон қилиш ҳақидаги ташаббусни бутун республикамиз меҳнат аҳли сидқидилдан қўллаб-қувватлади. Янги йилдан бошланган тўққизинчи ҳафталик чорвадорларимиз шарафига бағишланган. Шу кунларда баҳодир чорвадорларимиз қишловни зўр уюшқоқлик билан ўтказиб, маҳсулот мўл-кўллигини яратишда жонбозлик кўрсатмоқдалар.

Беш йиллик планларининг муваффақиятли бажарилиши меҳнат коллективларининг йилнинг дастлабки кунларидан бошлабоқ аниқ бир маром ва суръатда ишлашига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ишлаб чиқариш коллективларининг раҳбарлари, партия, совет, касаба союз, комсомол ва бошқа жамоат ташкилотлари 1982 йил план ва мажбуриятларининг сўзсиз бажарилишини таъминлаш юзасидан ташкилотчилик, сиёсий-оммавий ва тарбиявий ишларни қунт билан олиб боришлари зарур.

Аҳдига ҳамиша вафодор шонли ишчилар синфи, колхозчи-деҳқонлар, зиёлилар, барча меҳнат коллективлари Янги йилнинг ҳар бир кунини зарбдор иш кунига айлантирадилар, Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи 60 йиллигини экономика ва маданиятнинг ҳамма жабҳаларида улкан муваффақиятлар билан нишонлайдилар. Бунга сира шак-шубҳа йўқ.

МЕҲНАТ ВАХТАСИДА

Республикамизнинг муаффар ишчилар синфи, бунёдкор қурувчилари, азамат транспортчилари 1982 йилни ҳам зарбдор меҳнат йилига айлантириш учун енг шимариб ишга киришдилар. СССРнинг 60 йиллиги шарафига бошланган 60 зарбдор ҳафталикни муваффақиятли якунлашга сўз бердилар. Қуйида жойлардан олинган илк меҳнат куни зарбдор одимлари ҳақида ҳикоя қилувчи хушхабарлар билан танишасиз.

ДАСТЛАБКИ МАҲСУЛОТ

Пахтаобод районида йил сайин янги-янги саноат корхоналари ишга туширилмоқда. Бу ерда қад кўтарган темирбетон буюмлари заводи, Андижон ип-газлама комбинати филиалининг биринчи навбати, ўрдакчилик комплекси иш бошлаганига ҳали кўп бўлгани йўқ.

Янги йилнинг дастлабки меҳнат кунида районда яна бир корхона иш бошлади. «Маданият» совхозида тикланган шағал саралаш заводи йилига 500 минг кубометр маҳсулот ишлаб чиқариш қувватига эга. Корхонани бунёд этишда «Андижанирстрой» трестининг Пахтаобод кўчма механизациялашган колоннаси қурувчилари жонбозлик кўрсатдилар. Арслонбек Қўлдошев, Яхшибой Қодиров, Юрий Рубцов ўртоқлар бошлиқ сувоқчилар, бетончилар, монтажчилар бригадалари коллективлари мусобақада пешқадамлик қилдилар.

Корхона ишлаб чиқарган дастлабки маҳсулотлар Қўйганёр темир-бетон заводи қурилишига жўнатилди.

Т. ҚУРБОНОВ,
Андижон области.

ҚУЛАЙ ВА АФЗАЛ

«Беш йилликнинг иккинчи йилида янги машина-механизмлар қувватидан янада оқилона фойдаланамиз, техника янгиликларини ишлаб чиқаришга кенг жорий этамиз!» — янги—1982 йилнинг илк меҳнат кунини катта уюшқоқлик билан бошлаган Наманган шойи газламалар комбинати коллективининг аҳди шундай.

Куни кеча корхона бош механика бўлимининг қуюв участкасида янги индукцион машина муваффақиятли ишга туширилди. Илгари бу ерда чўян эски усул билан бир ҳафта мобайнида икки мартагина эритилган бўлса, эндиликда янги машина 400 килограмм сиғим билан бир кеча-кундузда 6,4 тоннага қадар чўян, пўлат ва рангли металларни бемалол эрита олади. Янги қуюв машинасининг яна бир қулайлик ва афзаллик томони шундаки, у илгаригидек кўплаб қимматбаҳо кокс маҳсулотлари ишлатилишига чек қўяди.

Тежамкор машинани ишга туширишда Альберт Жилин, Фёдор Бутов, Имрам Ягудин сингари монтажчи, пайвандчи ва слесарларнинг улуши салмоқли бўлди.

Т. СУЛАЙМОНОВ,
Наманган области.

ТУҚУВЧИЛАР ҒАЙРАТИ

Бешкент тикувчилик фабрикаси тўқувчилари ютуқларга тўла 1981 йилни ишлаб чиқаришда катта зафарлар билан кузатиб қолдилар. Цехлар ўртасидаги социалистик мусобақада гилам тўқиш цехи ғолиблик қилди. Гиламдўзлар съездлар йили топшириғини муддатидан бир ой илгари бажариб, янги—1982 йил ҳисобига маҳсулот чиқара бошлаган эдилар.

Улар йилнинг дастлабки меҳнат кунини ҳам юксак кўтаринкилик билан бошлашди. Дастлабки меҳнат кунининг якунига кўра, цех яна корхона пешқадами деб саналди. Эришилган ютуқда Р. Чориева, Т. Расулова, Ҳ. Эшқулова, Г. Арабова сингари тўқувчиларнинг ҳиссаси катта бўлди. Цех ишлаб чиқарган маҳсулотнинг ҳаммаси аъло сифат билан қабул қилинди.

К. МАВЛОНОВ,
Қашқадарё области.

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРИЛИШЛАРИ

А. ХУЖАЕВ,
Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети секретари

1981 йил ҳам тугади. У мамлакатимизни иқтисодий ва социал жиҳатдан янада тараққий эттиришнинг улуғвор программасини белгилаб берган КПСС XXVI съезди бўлиб ўтган йил сифатида хотирамизда ҳамиша сақланиб қолади. Коммунистик бунёдкорликнинг улкан режаларидан руҳланган Советлар мамлакатининг меҳнаткашлари уларни ҳаётга муваффақиятли жорий этишга интилмоқдалар, ўзларининг ижодий куч-ғайратлари ва ташаббускорликларини сафарбар қилмоқдалар.

Барча совет кишилари сингари республикамиз бинокорлари ҳам ўтган йилни янги меҳнат зафарлари билан нишонладилар. Уларнинг фидокорона меҳнати туфайли Сирдарё ГРЭСининг ўнинчи, Навоий ГРЭСининг ўн иккинчи энергия блоклари, Муборак газни қайта ишлаш комплексининг, Олмалиқ кон-металлургия комбинати ва химия заводининг янги қувватлари ишга туширилди ва улар маҳсулот бермоқда. Машинасозлик, ва электротехника саноатида, шунингдек, бинокорлик материаллари саноатида бир қатор янги корхоналар фойдаланишга топширилди.

Совет Ўзбекистони қурувчиларининг аҳоли учун маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи тармоқларни ривожлантириш ҳамда озиқ-овқат программасини амалга оширишдаги ҳиссалари салмоқли бўлди. Масалан, ўтган йили Андижон ва Фарғона тўқимачилик комбинатларида янги қувватлар, уларнинг Бешариқ, Риштон, Янгиқўрғон, Пахтаобод, Марҳамат, Қўрғонтепа, Избоскан ва бошқа шаҳарлардаги филиаллари, Косонда ёғ-экстрация заводи, Чирчиқда сут заводи, гўшт ва сут етиштирувчи бир қатор чорвачилик комплекслари, шунингдек, гўшт ва тухум етиштиришга мўлжалланган паррандачилик фабрикалари қурилди ҳамда ишга солинди.

Тармоқ меҳнаткашлари ўзларининг бунёдкорлик ишларида маҳаллий партия, совет ва жамоат ташкилотларининг доимий мадади ҳамда қўллаб-қувватлашларига таяндилар ва таяниб келмоқдалар.

Бинокорларимиз партиянинг меҳнаткашлар фаровонлигини янада ошириш тўғрисидаги ғамхўрлигига амалий иш билан жавоб бериб, ул-жой бинолари, маориф ва фан муассасалари, маданият ва соғлиқни сақлаш, коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари объектларини бунёд этишда катта муваффақиятларга эришдилар. Фақат ўтган йилнинг ўзида барча молиявий манбалар ҳисобига умумий саҳни 6 миллион квадрат метрдан зиёд уй-жойлар, 111 минг ўқувчи таълим оладиган мактаблар, 31 минг кичиктойга мўлжалланган болалар боғчалари ва яслилари, кўплаб соғлиқни сақлаш, маданият ва маиший хизмат объектлари қурилди. Қурувчилар ва монтажчилар эришган бу зафарни бинокорлик материаллари саноати, лойиҳалаш институтлари, буюртмачи ва моддий-техника таъминоти ташкилотлари ходимларининг ҳам зафари дейишга тўла ҳақлимиз.

Шуниси қувончлики, ўтган йили тугалланмаган қурилишлар ҳажмини, жиддий суратда камайтиришга эришилди. Аммо хотиржам бўлишга вақт эрта. Тайёр объектларни бир маромда фойдаланишга топширишни йўлга қўйиш ва яхшилаш учун кўп ишлаш керак. Чунки бундай объектларни ишга тушириш ҳамон тўртинчи кварталга, асосан декабрь ойига қолдирилиб келинмоқда, уни кириб келган янги йилда эсдан чиқармаслик даркор.

1982 йил партия XXVI съезди қарорларини, ўн биринчи беш йиллик топшириқларини, халқ фаровонлигини ошириш юзасидан белгиланган режаларни бажаришда яна бир муҳим босқич бўлади. 1982 йил планларининг ўзига хос хусусияти шундаки, куч ва ресурсларни бир жойга жамлаш ҳисобига капитал маблағлар сарфлаш ҳажмини кам ўстирган ҳолда асосий фондларни ишга туширишни анча кўпайтириш кўзда тутилган. Тугалланмаган қурилишлар ҳажми 7 процентга камайтирилади.

(Давоми иккинчи бетда).

> «Капитал қурилишда амалий равишда туб силжишларга эришиш... лозим»
>
> Л. И. БРЕЖНЕВ.



СЎНГГИ СОАТДА

АДР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИНИНГ БАЁНОТИ

КОБУЛ. Афғонистон Демократик Республикасининг Ташқи ишлар министрлиги вакили Бахтар агентлигига берган баёнотида қуйидагиларни таъкидлаб ўтди: Эрон ҳукумати ҳар икки мамлакатдаги революцияларни ҳимоя қилиш йўлидаги курашда афғон раҳбарлари узатган дўстлик ва ҳамкорлик қўлидан юз ўгирмаслиги керак. Бу революциялар АҚШнинг регионда ўз ҳокимиятини ўрнатиш йўлидаги уринишларини чиплакка чиқарди, Афғонистонга қарши эълон қилинмаган урушни олиб бораётган ва Эронга қарши агрессив тадбирларни амалга ошираётган Америка империализмининг манфаатларига қаттиқ зарба берди.

ВАЗИЯТ БАРҚАРОР БЎЛИБ БОРМОҚДА

ЛОНДОН. Информация агентликларининг хабар беришича, Гана пойтахти Аккрада вазият аста-секин барқарор бўлиб бормоқда. Бу шаҳарда яқинда давлат тўнтариши бўлиб, ҳарбий ҳаво қучлари капитани Жерри Ролингс бошчилигидаги ҳарбийлар ҳокимият тепасига келган эди. Пойтахт аэропорти ва пойтахт атрофидаги Бурма армия лагери районида уруш ҳаракатлари тўхтади, шаҳардаги магазинлар очилди. Ж. Ролингс радио орқали Гана аҳолисига қилган мурожаатида бундай деди: мамлакатда социал ва иқтисодий ўзгаришларнинг амалга оширилишига эришиш — асосий мақсадимдир. Ағдариб ташланган президент Х. Лиманнинг гражданлик идораси ҳукм сурган кейинги икки йил ичида, деди у, «экономика тамомила «издан чиқди». Бундай шароитда, деб таъкидлади у, мамлакатни ҳалокатдан қутқазиш учун қатъий ҳаракат қилиш зарур бўлиб қолди. Ж. Ролингс аҳолини осойишталикка ва жамоат тартибини сақлашга чақирди.

РЕЙГАН АППАРАТНИ ҚАЙТА ҚУРИШ РЕЖАЛАРИНИ ТУЗМОҚДА

ВАШИНГТОН. «Вашингтон пост» газетаси хабар беради: «Президент Рейган миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ўз ёрдамчисининг ҳукмронлигини ғоят кучайтириш ва АҚШ Давлат секретарининг биринчи ўринбосари У. Кларкни шу лавозимга тайинлашни планлаштирмоқда». Бу тадбир Рейганнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ҳозирги ёрдамчиси Р. Алленнинг тақдири тўғрисида узил-кесил қарор қабул қилишга расмий жиҳатдан боғлиқдир. Газета таъкидлаб ўтганидек, Р. Аллен порахўрликда айбланганлиги туфайли рўй берган можаро муносабати билан ҳозир «маъмурий отпуска»да.

ҚУРОЛЛИ БОСТИРИБ КИРИШГА ТАЙЕРГАРЛИК ҚУРИЛМОҚДА

МАНАГУА. Никарагуа Республикаси хавфсизлик бошқармасининг бошлиғи Л. Серна янги йилнинг дастлабки ойларида Никарагуага қуролли ҳужум қилиш эҳтимоли борлигини айтди.

У Никарагуанинг Нуэва агентлиги мухбири билан суҳбатида бундай деди: бундай агрессия режалари Сомосага ёлланган сотқинлар шайкалари ва Марказий Америкадаги реакцион режимлар армияларининг мамлакатга бостириб киришини кўзда тутганлиги аниқланди. Қўшни мамлакатлардаги реакцион ҳарбийларнинг бошлиқлари Вашингтоннинг топшириғи билан Никарагуа революциясини бўғиб ташлаш ролини бажаришга рози эканлигини билдирдилар. АҚШ эса бундай ҳужумни орқа томондан таъминлаб туриш ва қўллаб-қувватлашга ваъда берди.

Кейинги ҳафталарда сомосачилар террорининг кучайганлиги, шунингдек, Никарагуага қарши қўпорувчилик руҳидаги эшиттиришлар кўпайганлиги, деб таъкидлади Л. Серна, мамлакатимизга ҳужум қилиш учун зудлик билан тайёргарлик кўрилаётганлигини тасдиқлайди.

АҚШ АҲОЛИСИ

ВАШИНГТОН. Ҳозирги вақтда Қўшма Штатларнинг аҳолиси 230.510.607 кишини ташкил этади, деб хабар берди АҚШ аҳоли рўйхати бюроси. Шу бюронинг маълумотига кўра, мамлакат аҳолиси ўтган йил мобайнида 2,2 миллион кишига кўпайган.

(ТАСС).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республикада театр санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун ҳамда туғилган кунига саксон йил тўлиши муносабати билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон ССР Давлат академик Катта театрининг режиссёри ўртоқ Музаффар Маҳмудович Муҳамедовни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиғи билан мукофотлади.

ЎЗБЕКИСТОН ҚУРИЛИШЛАРИ

(Боши биринчи бетда).

Барча молиявий манбалар ҳисобидан капитал маблағлар 5,5 миллиард сўмни ташкил қилади. Бу ўтган йилдагидан 117 миллион сўм кўп, демакдир. Унинг 78 процентн ишлаб чиқариш қувватларини қуришга, корхоналарни реконструкциялаш ва техника билан қайта жиҳозлашга сарфланади. Бунда маблағ сарфлаш қора ва рангли металлургияни ривожлантириш учун 1,4 марта, газ саноати учун эса 1,5 баравар кўпаяди.

Бир вақтнинг ўзида тикланадиган объектлар миқдорини чеклаш юзасидан чора-тадбирлар кўриляпти. Уларнинг сонини 1981 йилдагига нисбатан 14 процент қисқартириш мўлжалланмоқда.

Ёқилғи-энергетика комплекси бундан буён ҳам тараққий эттирилади. Бу йил Андижон ва Туямўйин ГЭСларида 120 минг киловаттли энергетика қувватлари ишга солинади. Янги юқори вольтли электр узатиш линиялари фойдаланишга топширилади. Янги Ангрен ГРЭСи ва Муборак газни қайта ишлаш комплексидаги қурилиш ишлари давом эттирилади. Толлимаржон ГРЭСини бунёд этишга киришилди.

Олмаликда кон-металлургия, Бекобод шаҳрида эса В. И. Ленин номли Ўзбекистон металлургия комбинатларини кенгайтириш давом эттирилади. Химия саноати ўз қувватларини анча оширади. Ўн биринчи беш йилликда Фарғонадаги «Азот», Чирчиқдаги «Электрохимпром» бирлашмалари ва Янги Қўқон химия заводида йирик қувватлар ишга солинади.

Республика пойтахтидаги ва кўпгина областларнинг марказларидаги бир қатор машинасозлик заводларини реконструкциялаш ва кенгайтириш мўлжалланди.

Аввали йилларда бўлгани каби халқ истеъмоли молларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилади. Бу йил шу мақсадлар учун 300 миллион сўм ажратилганки, у саноатга сарфланадиган капитал маблағларнинг бешдан бир қисмини ташкил этади. Андижон, Бухоро ва Фарғона тўқимачилик комбинатларида, Жиззах ип йигириш фабрикасида янги қувватлар, Андижон пойабзал фабрикаси ишга туширилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика Министрлар Совети саноат корхоналарининг филиалларини қуришга катта аҳамият бермоқда. 1982 йилда тўқимачилик комбинатларининг ўн учта, шу жумладан, Андижон областида — олтита, Фарғона областида — учта, Қорақалпоғистон АССРда — тўртта филиали фойдаланишга топширилади. Самарқанд трикотаж фабрикаси, Ильичевскда пайпоқ фабрикаси ва Қўқон пайпоқ тўқув-ип йигирув комбинатининг иккинчи навбати қурилиши бошлаб юборилади. Нукусда тикланаётган ип газлама комбинати қурилиши давом эттирилади.

КПСС XXVI съездида ишлаб чиқариш объектларини қуриш ва ишга тушириш уй-жой бинолари, маданий-маиший ва социал аҳамиятга молик объектларни планли равишда буйёд этиш ва фойдаланишга топшириш суръатларига мос тушиши зарурлиги уқтириб ўтилди. Янги корхоналарни тезроқ ўзлаштиришга имкон беруви бундай ёндашиш қоидага айланиб қолсин.

Янги йил планида қишлоқ хўжалигини янада ривожлантириш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга катта ўрин берилган. Комплекс ишларнинг барча соҳалари бўйича қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини тараққий эттиришга 2,1 миллиард сўм сарфланади. У ўтган йилгидан кўпдир. Хусусан, барча молиявий манбалар ҳисобига 96 минг гектар янгидан суғориладиган ерларни фойдаланишга топшириш, илгаритдан суғорилиб келинган 80 минг гектар ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, 60 минг гектар майдонда текислаш ишларини бажариш, 125 минг гектар майдоннинг суғориш системаларини реконструкциялаш ҳамда сув таъминотини яхшилаш, 300 минг гектар яйловга сув чиқариш кўзда тутилган. Андижон сув омборини бунёд этишдаги ишлар тўла-тўкис охирига етказилади. Толлимаржон сув омборнинг 1 миллиард 200 миллион кубометр сувни сиғдира олувчи ишга туширилдиган комплексини, Туямўйин гидроузелининг 2,6 миллиард кубометр сиғимли биринчи навбатини, 21 миллион кубометр обиҳаёт жамғарадиган Зомин сув омборини фойдаланишга топшириш таъминланади. Сурхондарё областида Тўпаланг сув омборини барпо қилишга киришилди.

Партиянинг озиқ-овқат программасини амалга ошириш ҳақидаги кўрсатмаларига кўра, бу йил сут етиштирувчи, қорамолларни сўқимга боқувчи чорвачилик комплексларини қуриш, паррандачилик фабрикаларида янги қувватларни битказиш вазифаси турибди.

Аввалгидек, уй-жой бинолари ва коммунал объектлар қурилиши кенг суръатларда олиб борилади. Йил мобайнида барча молиявий манбалар ҳисобига 6 миллион квадрат метр сахнли уй-жой бинолари қуриш планлаштирилган. Бундан ташқари уй-жой қуриш кооперативлари томонидан 416 минг квадрат метр уй-жой фойдаланишга топширилади. Мактаблар ва мактабгача болалар муассасалари, касалхона ва поликлиникалар, фан ва маданият муассасалари, коммунал ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари шохобчаларини кенгайтириш мўлжалланган. Тошкентда метрополитен иккинчи линиясининг биринчи участкасини қуриш давом эттирилади.

Уй-жой бинолари, маданий-маиший ва социал аҳамиятга молик объектларни буйёд этиш ҳажмининг тобора ошаётганлиги қурилишни ташкил этишнинг шакл ва усулларини янада такомиллаштириши, уларни йилнинг кварталлари ва ойлари бўйича бир маромда ишга туширишни талаб қилади. Шунинг учун йиллик планда кўзда тутилган уй-жой биноларининг камида 40 процентини, барча мактаблар ҳамда ҳунар-техника билим юртларини эса ўқув йили бошлангунга қадар фойдаланишга топшириш зарур. Йирик панелли уй-созлик корхоналарини уй-созлик комбинатлари жорий этган иш усулига кўчиришга дадил киришиш даркор. Мазкур усулнинг моҳияти шундан иборатки, бу комбинатлар қурилишнинг ҳамма жараёнини ўзлари тўла бажарадилар. Улардаги қурилиш-монтаж бригадалари эса ёрдамчи пудратчи монтажлаш ташкилотларининг бригадаларини ҳам қўшиб, бригада оралиқ поток пудрати усулини қўллаётганлар. Бунда уй-жой бинолари ва маданий-маиший ҳамда социал аҳамиятга молик объектлар қурилишининг сифатини оширишга алоҳида аҳамият бериш керак. Токи, улар кафолатли паспорт билан фойдаланишга топширилсин.

Янги микрорайонларда уй-жой ва жамоат бинолари қуришни планлаштириш, тиклаш ва фойдаланиш учун қабул қилиш ишларининг тугалланган шаҳарсозлик комплекси сифатида амалга оширилишига эришиш муҳимдир. Уларда одамлар кўчиб киргунга қадар аҳолига хизмат кўрсатиш билан боғлиқ муассасалар ва корхоналар қурилиши тугалланиши, ушбу микрорайонларни қуриш лойиҳасида кўзда тутилган инженерлик коммуникацияларини ётқизиш, ободонлаштириш ва кўкламзорлаштиришга оид барча ишлар бажарилган бўлиши зарур.

Хуллас, юқорида айтилганлардан кўриниб турибдики, ўн биринчи беш йиллик иккинчи йилининг капитал қурилиш бўйича умумий программаси республика халқ хўжалиги ҳамма тармоқларини комплекс, динамик ва пропорционал ривожлантиришни кўзда тутмоқда.

Уни муваффақиятли адо этишга дахлдор барча министрлик ва идоралар, қурилиш ва монтаж ташкилотлари коллективлари, буюртмачи корхоналар янги йилнинг дастлабки кунларидаёқ қурилиш майдонларида ишни аниқ, бир маромда ташкил этишлари лозим. Шунга эришиш керакки, ҳар бир объектда белгиланган топшириқлар сўзсиз бажарилсин, ишлар графикка қатъий амал қилинган ҳолда ҳеч қандай узилишларсиз олиб борилсин.

Буюртмачилар янги йилнинг ҳамма қурилишлари маблағ, ускуналар ва махсус материаллар билан тўла таъминланиши хусусида ғамхўрлик қилишлари даркор. Уларнинг фойдаланишга топшириладиган объектларни ишлатувчи кадрлар тайёрлаш тўғрисида олдиндан ўйлашлари мақсадга мувофиқдир. Бу кадрлар қурилишни тугаллаш жараёнида ускуналарни ўрнатиш ва созлашда қатнашсинлар, ишни технология режимига кўчиришга салмоқли ҳисса қўшсинлар.

Шу ўринда қурилган бино ва иморатларни эҳтиётлаб, техник жиҳатдан тўғри сақлашни омилкорлик билан ташкил этиш муҳимдир. Уй-жойлар, мактаблар, болалар муассасалари ва шифохоналар, жамоат, маъмурий ва ишлаб чиқариш бинолари бизнинг бойлигимиз, халқнинг бебаҳо мулки эканлигини ҳеч қачон унитмайлик. Уларни эҳтиётлаш, ўз вақтида ва сифатли ремонт қилиш, ҳамма вақт яхши ҳолатда сақлаш керак. Бу масаланинг жуда катта иқтисодий ва социал аҳамиятга эга эканлиги тўғрисида аҳоли ўртасидаги оммавий тушунтириш ва тарбиявий ишларни кучайтириш лозим.

Қурилиш майдончаларида социалистик мусобақани авж олдириш, мажбуриятларни бажариш учун курашишни кучайтириш партия комитетлари, бошланғич партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг бурчидир. Ҳозир СССР 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун бошланган ватанпарварлик ҳаракати кун сайин кучайиб бораяпти. Минглаб меҳнат коллективлари юқори меҳнат унумдорлигига эришиш мақсадида зарбдор вахтада туриб ишламоқда. Ушбу умумхалқ ҳаракати имкониятларидан тўлароқ фойдаланиш, мусобақалашаётган коллективлар учун энг қулай шарт-шароитларни яратиш, барча бўлинмаларни ресурслар билан ўз вақтида ва тўла таъминлаш, иқтисод ва тежамкорлик учун қатъият билан кураш олиб бориш керак.

Область, шаҳар ва район партия комитетларидаги қурилиш бўйича штаблар фаолияти давом эттирилсин. Мазкур штаблар қурилиш майдонларидаги ташкилий ва бошқа камчиликларни бартараф этишга оператив таъсир ўтказишга, қурилиш жараёнида содир бўладиган барча масалаларни ҳал этишда хўжалик раҳбарларига ҳар томонлама ёрдам бериш ва уларни қўллаб-қувватлашга даъват этилгандирлар.

КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленуми материалларида, ўртоқ Л. И. Брежневнинг шу Пленумда сўзлаган нутқида **фойдаланишга топширилиши-ган объектларни мумкин қадар кўпроқ меҳнат, моддий ва молия ресурслари билан таъминлаш, уларга ишга туширишни тезроқ таъминлаш билан боғлиқ ҳамма нарсани бериш зарурлиги** кўрсатиб ўтилди.

Республика партия, совет, хўжалик ва жамоат ташкилотлари бу йўл-йўриқларга амал қилиб, 1982 йилда капитал қурилишда амалий равишда туб силжишларга эришишлари, истисносиз ҳамма объектларда планда кўзда тутилган ишлаб чиқариш қувватларини фойдаланишга топширишни таъминлашлари керак. Бунинг учун ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС Марказий Комитети 1981 йил ноябрь Пленумида алоҳида таъкидлаб ўтганидек: **«Яхшироқ ишлаш керак. Планларни яхшироқ тузиш ва уларни яхшироқ бажариш лозим. Ишлаб чиқаришни яхшироқ ташкил этиш ва маҳсулотни яхшироқ ишлаб чиқариш зарур. Хуллас, самаралироқ ишлаш керак. Бу — пировард натижада асосий ҳал қилувчи масаладир, ўртоқлар».**

И. РАҲМАТУЛЛАЕВ.

Октябрь революцияси номли Тошкент тепловоз-вагон ремонти заводи дизель цехининг коллективи СССР 60 йиллиги шарафига бошланган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасига актив қўшилган. Цех ишчилари ўртасида авж олган қизғин беллашувда коммунист, илғор станокчи Саодат Муродов ўз ҳамкасб дўстлари ўртасида ўрнак кўрсатиб ишламоқда. У смена топшириғини ҳар доим 140—150 процентга етказиб адо этмоқда. Суратда: С. Муродов.

В. Скроткин фотоси.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ юбилей анкетаси 60

ЙИЛИМИЗДА АСР МАЗМУНИ

1918 ИЛДАН ПАРТИЯ АЪЗОСИ, РЕВОЛЮЦИЯ, ГРАЖДАНЛАР ВА УЛУҒ ВАТАН УРУШЛАРИ ВЕТЕРАНИ НИШОН РИЗАЕВ «СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» ЮБИЛЕИ АНКЕТАСИ САВОЛЛАРИГА ЖАВОБ БЕРАДИ

1. Кўп миллатли Совет Социалистик Республикалар Иттифоқи ташкил топгандан буён барча миллат ва элатларнинг қардошларча дўстлиги ва бирлиги ниҳоятда мустаҳкамланди. Шу муддатда мамлакатимизда содир бўлган энг муҳим ўзгаришларни нималарда яққол кўрасиз?

— Тошкент шаҳри марказидаги М. Горький номли болалар истироҳат боғи олдидан ўтсам, бир воқеа эсимга тушаверади. Қўқонда бою боёнлар учун мўлжалланган истироҳат боғига берухсат кирганлигим учун ёшлигимда полициячи Плотниковдан йигирма дарра жазо олганидим. Нафсамбирига олиб қараганда, революциядан олдин Ўрта Осиё меҳнаткашлари қашшоқлик ва ҳуқуқсизликка маҳкум этилган эди.

Октябрь революциясининг ғалабаси Россиядаги барча халқлар, шу жумладан, Ўзбекистон тарихида ҳам бурилиш нуқтаси бўлди. Революция барча миллатлар ва элатларнинг тенглиги ва қардошлигини таъминлади. Коммунистик партия доно ленинча миллий сиёсатни изчиллик билан ҳаётга татбиқ эта бориб, ўзбек халқи социалистик маданиятининг равнақ топиши, меҳнаткашлар моддий фаровонлигининг тўхтовсиз юксалиши учун энг қулай шарт-шароитлар яратиб берди.

Илгари ўзини оддий кетмон, ҳаттоки мих билан таъмин эта олмаган ўлканинг бугунга келиб юзлаб мамлакатга саноат маҳсулотини манзур этаётгани, пахта етиштиришда олти миллион тонналик маррадан ўзиб кетганлиги, саводхон кишилар бармоқ билан санарли бўлган ўлкада жон бошига олий маълумотли мутахассислар етиштиришда ман-ман деган капиталистик мамлакатларни ортда қолдириб кетилганлиги ана шу ҳуқуқ ва имтиёзлар туфайлидир. Бизнинг ҳар бир йилимизда асрлар мазмуни мужассам.

2. Бугунги фаровон ҳаётимизни революцияни амалга оширган, революция учун, унинг юксак ғоялари учун жон олиб, жон бериб курашган инқилоб чавандозлари, партия ветеранларисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Сиз ҳаётингизда улардан кимларни ўзингиз учун ибрат деб ҳисоблагансиз?

— Қўқонда, Ганжиравон маҳалласида туғилганман. Шу ерда савод чиқариб, шу ерда партия сафига кирдим. Шаҳардаги революцион воқеалар кўз ўнгимда содир бўлган. Уларнинг аксариятига бевосита гувоҳман. Ўша 1917—1918 йилларда Қўқон революционерлари энг оғир кунларни бошларидан кечирган эдилар. 1917 йил декабрь ойида Қўқонда Советлар ҳокимияти ўрнатилгач, антисовет кучлар унга қарши тил бириктиришди. Уларнинг ҳаммасини ишчи-деҳқон давлатига нисбатан ваҳшийларча душманлик бирлаштириб турар эди. Бир томондан Қўқон мухторияти тарафдорлари, иккинчи томондан реакцион уламо доиралари хавф солар, устига-устак босмачи шайкалари ҳужум қилиб тинкани қуритардилар. Қизил гвардиячилар камсонли бўлиб, уларга бас келиши қийин эди.

Мана шу вақтда ишчи-деҳқон депутатлари Қўқон Советига талантли ва мард ташкилотчи, коммунист Е. А. Бабушкин раислик қилган эди. Ниҳоятда босиқ, мулоҳазали Бабушкин инқилоб ишини ҳимоя қилиш учун ҳамма имкониятлардан ишбармонлик билан фойдаланар, оғир дақиқаларда ҳам ўзини йўқотмасди.

Революция душманлари 1918 йил февраль ойида қизил гвардиячиларнинг истеҳкоми — Қўқон қалъасига ҳужум бошлаш билан бирга Е. А. Бабушкиннинг уйига ҳам қуролли ҳужум уюштирдилар. Босқинчилар қоровулда турган қизил гвардиячини ўлдириб, уйга бостириб кирмоқчи бўлдилар. Аммо, Бабушкин ёш боласини каравот тагига бекитиб, хотини билан биргаликда босқинчиларнинг ичкарига киришига йўл қўймади. Бу жанг уч соатча давом этади. Эрта тонгдагина мақсадларига ета олмаган душманлар уй атрофидан ғойиб бўлдилар.

Қўқон қалъасининг икки ҳафталик мудофааси Бабушкининг ленинчи коммунист сифатида нималарга қодир эканлигини кўрсатди. У ўзининг шахсий намунаси, истеъдоди билан менда жуда катта таассурот қолдирган эди. Инқилоб ғоялари учун ҳаётларини тиккан ажойиб революционерлар ҳақида гап кетадиган бўлса Бегмат Нурматов, Аҳмаджон Азимов, Усмонжон Шукуров, Владимир Сазонов, Д. Буряк, М. Пустоветов, Георгий Сиганларнинг номини ҳам алоҳида ҳурмат билан тилга оламан.

3. Совет кишилари тақдири мамлакатимиз тақдири, ёркин келажак учун кураш тарихи билан ҳамоҳанг ва узвий боғлиқдир. Ана шу йиллар мобайнида ҳаётингизда рўй берган энг ёркин воқеаларни сўзлаб берсангиз

— 1919 йил эди. Мен комиссар бўлган отряд Ислом қўрбоши босмачиларига қарши жангга ҳозирлиқ кўрарди. Кутилмаганда фронт қўмондони М. В. Фрунзе чақиртириб қолди. Қўқоннинг эски шаҳар қисмидаги штабга шошиб етиб бордим.

— Битта фикр бор, — деди Михаил Васильевич хонанинг у бошидан бу бошига бориб келар экан, — операцияни бошлашдан олдин уларга таслим бўлишни таклиф қилсак қандай бўларкин. Бу ҳақда нима фикрдасиз?

Разведка маълумотларига кўра Ислом қўрбоши группасида интизом бўшашган, келишмовчилик кучайганлиги қайд этилган эди. Қўқондон ана шу маълумотларга таяниб, мулоҳаза юритаётганини сездим.

— Агар сиз шундай деб ҳисобласангиз, мен тайёрман, ўртоқ қўмондон, — дедим ҳарбий қоидага биноан қаддимни ғиз тутиб.

Эртасига аравада Ислом қўрбошининг қароргоҳи — Карайзбуво қишлоғига кириб борганимизда қоронғи тушиб қолган эди. Кузатувчиларни қайтариб юбориб, ўзим дадил илгарилаб кетдим. Шу тобда бутун вужудим кўз-қулоқ бўлиб кетган, ўзимни ниҳоятда ҳушёр тутардим.

Аравани Ислом қалъаси томон буришим билан қаршимдан йўл-йўл бақасам тўн кийган, қўлқоп ва пулемёт лентаси тақкан икки киши тўсиб чиқди.

— Йўл бўлсин, кечиккан меҳмон, қайси шамол учирди?

Қўрбоши ҳузурига олиб боришларини сўрадим.

Ислом шоҳона кийинмда, аммо кайфияти йўқроқ эди.

— Марҳамат қилинг, — деди у оҳистагина, аммо қатъий қилиб.

Мен Советлар ҳокимиятининг мақсад ва вазифалари, унинг асрлар бўйи қашшоқликда эзилиб яшаган меҳнаткашларни ҳаётнинг хўжайини қилишдан бошқа вазифаси йўқлиги, у барчанинг ҳуқуқи баравар бўлиши учун курашжагини бирма-бир тушунтирдим...

Бу кутилмаган суҳбатдан кейин қўрбоши мени қишлоқнинг чеккасигача кузатиб қўйди. Аравада кетиб борар эканман, у мен томонга паришонхотир қараб турарди.

Уч кундан кейин шаҳар аҳолиси Ислом йигитларининг кўнгилли равишда таслим бўлиш учун ревкомга ташриф буюрганликларига гувоҳ бўлишди.

4. Олтмиш йил партия ташкилотлари ҳам сон, ҳам сифат жиҳатдан ўсган, камолот пиллапоясидан юқори кўтарилган йиллар бўлганлиги ҳаммамизга маълум. Буни Сиз ишлаган ва аъзо бўлган хўжалик ёки ташкилот мисолида қандай кўриш мумкин?

— Шундай уйимизнинг ёнгинасида Охунбобоев номли республика медицина билим юрти жойлашган. Пенсияга чиққанимдан буён шу даргоҳ партия ташкилоти ҳисобида тураман. Ҳужжатларнинг гувоҳлик беришича, бу партия ташкилоти революция ғалабаларини ҳимоя қилиш учун ҳаёт-мамот жанглари олиб борилаётган 1918 йилда ташкил қилинган экан. Дастлаб ўлка мусулмонлар фельдшерлик мактаби деб юритилиб, бор-йўғи иккита группада машғулотлар олиб борилган. Ўша вақтда билим юртига ўқитувчи топишнинг ўзи машаққатли иш бўлиб, уларнинг орасида партия аъзолари бармоқ билан санарли эди. Ҳозирги кунда тилга олинаётган факт ва рақамлар кишида мамнуният ҳисларини кучайтиради. Эндиликда ҳар йили билим юртига 720 нафар ўқувчи қабул қилинмоқда, унда 1800 дан ортиқ йигит-қиз таҳсил кўраётир. Илгари мактабда фақат фельдшерлар тайёрланган бўлса, ҳозир медицинанинг беш хил соҳаси бўйича мутахассис тайёрланмоқда. Билим юртида 150 ўқитувчи, жумладан, 30 та партия аъзоси фаолият кўрсатаётир. Бу ерда талабаларга касб-ҳунар ўргатиш учун нималарга зарур бўлса, ҳаммаси муҳайё.

5. Мамлакатимизнинг барча меҳнаткашлари катта байрам — СССРнинг 60 йиллик юбилейига зўр кўтаринкилик билан ҳозирлик кўрмоқдалар. Бу шоднёнага сиз қандай ютуқлар, ўй-режалар билан келмоқдасиз?

— Яқинда бир группа Гражданлар ва Улуғ Ватан уруши ветеранлари билан Сурхондарёда бўлган эдик. Учрашувларнинг бирида ўрта яшар киши савол бериб қолди:

— Шунча хизмат қилган экансиз. Щунга яраша иззат ҳурмат кўраяпсизми?

Тўғрисини айтсам, бу мен учун анча кутилмаган савол эди. Ёшим 80 дан ошди-ю, лекин ўзимга шу тарзда бирор марта ҳам мурожаат қилмаган эканман. Хизматларимни тарозининг бир палласига, қариликдаги ҳузур-ҳаловатимни иккинчи палласига қўйиб кўриш эсимга ҳам келмабди. Зотан, киши партияга аъзо бўлиб кирар экан, ундан бирор манфаатни кўзлаб эмас, балки унга садоқат билан хизмат қилиш учун киради. Коммунист навқиронлигида ҳам, пенсия даврида ҳам партия ва ҳукуматдан қўшимча имтиёзлар талаб қилмайди. Унинг имтиёзи ишининг оғир участкаларида бўлишдан, план ва мажбуриятларни бажаришда кўпчиликка карвонбошилик қилишдан иборат. У ҳеч қачон ҳаётда қўл қовуштириб, кузатувчи бўлиб туролмайди. Бунга ҳаққи йўқ.

63 йилдан бери партиядаман. 1961 йилдан буён жамоатчилик асосида Туркистон Ҳарбий Округи қошидаги ветеранлар Совети раисига ўринбосарлик қиламан. Советимиз СССРнинг 60 йиллик юбилейи олдидан план тузиб чиқди. Мамлакатимиз ҳаётида бўладиган бу катта тантана олдидан шаҳар ва қишлоқ меҳнаткашлари, жангчилар, студент ва ўқувчилар ҳузурида бўлиб, революция, СССРнинг ташкил топиши, дастлабки беш йилликлар, Улуғ Ватан уруши ҳақида лекциялар ўқиб, суҳбатлар уюштирмоқдамиз. Ёшлардаги Ватанга бўлган меҳр-муҳаббат учқунини алангалатмоқдамиз.

МЕХАНИЗАТОРЛАР АНЖУМАНИ

Тошкент область Коммунистик районидаги «Политотдел» колхози маданият саройида район механизаторларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда 1981 йил пахтадан юқори ҳосил етиштиришга ўз ҳиссасини қўшган механизаторлар, тажрибали сувчилар иштирок этдилар.

Районнинг 31,6 минг тоннаник «оқ олтин» хирмонига катта улуш қўшган «Ленин йўли» колхозининг сувчи ва механизаторлари ака-ука Тожиев, Миртазаев, Файзиевлар, «Правда» колхози сувчилари Айтқулов ва Маҳкамов, «Политотдел» колхозининг илғор механик-ҳайдовчиси Э. Суюнов, А. Бегалиев, шунингдек, ўтган мавсумда 140—160 тонкадан пахта терган турсунойчи механизаторлардан М. Алимова, П. Абдуқодирова, М. Сулубаева, Л. Куроедовалар йиғилишда сўзга чиқиб, ўз тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

ФАНИМИЗ ЗАҲМАТКАШЛАРИ

ИСТЕЪДОД ҚИРРАЛАРИ

Бундан ўн беш йил муқаддам Тошкентда кучли зилзила бўлган кун партия ва ҳукуматимиз кўрсатмасига биноан Ўзбекистон ССР Фанлар академияси қошида ҳисоблаш маркази ҳам бўлган кибернетика институтини ташкил этиш ҳақида қарор қабул қилинди. Мажлислар залидан очиқ чеҳра билан чиққан Восил Қобулович қабулхонада ўтиргانларга: «Кечаси бўлган зилзила Ўзбекистонда кибернетика институти тугилишининг тўлғоғи экан», — деб ҳазиллашганди.

Шундан ўн йилча аввал республика Фанлар академияси В. И. Романовский номидаги математика институтининг, кейинчалик механика институтининг Ҳисоблаш марказида янги электрон-ҳисоблаш машиналари ишга туширилиб, ҳисоблаш математикаси, техник кибернетика, ҳисоблаш техникаси, иқтисодий кибернетикага доир илмий ишлар кенг қулоч ёйди. Бу ишларнинг барчаси В. Қобуловнинг бевосита иштироки ва раҳбарлигида бажарилганидан кибернетика институти ташкил бўлган кунданоқ у янги илмий даргоҳга раҳбарлик қила бошлади.

Восил Қобуловичнинг илмий фаолияти эллигинчи йилларда бошланди. 1952 йилда у «Текис кучланиш ҳолатидаги тўғри пластинани ҳисоблашнинг баъзи методлари ҳақида» кандидатлик диссертациясини ёқлади. Унинг механика ва кибернетика соҳасида етук олим бўлиб етишишида СССР Фанлар акаемиясининг А. А. Дородницин бошчилигидаги Ҳисоблаш марказидаги олимлар, мамлакатимизда механика фанининг кўзга кўринган намояндалари А. А. Ильюшин, Ҳ. А. Раҳматуллин, М. Т. Ўрозбоевлар таъсири катта.

Олим ўндан ортиқ монография, 200 га яқин илмий мақолалар муаллифи. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Восил Қобуловнинг илмий ишлари яхлит муҳит механикасига доир масалалар ечимини алгоритмлаш проблемасига, ҳисоблаш математикасига, халқ хўжалигини бошқаришнинг автоматлаштирилган системасини ишлаб чиқиш, математик, техник, иқтисодий ҳамда тиббий-биологик кибернетикага бағишланган.

Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги М. Т. Ўрозбоев етакчилигида республикамизда юзага келган иншоотларнинг сейсмик мустаҳкамлиги илмий мактабининг равнақига салмоқли ҳисса қўшган олимлардан бири ҳам В. Қобулов. Унинг бино юк кўтарувчи деворлари баландлиги бўйлаб оний импульснинг тарқалиши ва қайтишига, сейсмик платформалар назариясига, сейсмик бардошлиликнинг динамик назариясига бағишланган изланишлари бу соҳадаги тўнғич ишлар эди. Олим эластик-пластик масалалар ечимига катта эътибор бериб, узунлиги чекланган стерженларнинг бўйлама, буралма ва кўндаланг тебранма ҳаракат вақтида пластик ва қайтиш тўлқинлари тарқалишининг алгоритмини яратди. Қалинлигининг узунлигига нисбати турлича бўлган эластик ҳамда эластик-пластик плита ва қобиқлар учун тўлқин назариясини тузиб чиқишга муяссар бўлди. Бу борадаги илмий-тадқиқот ишлари унинг 1959 йилда ҳимоя қилинган «Эластиклик ва пластиклик динамик назариясининг бир ва икки ўлчамли баъзи масалалари» номли докторлик диссертациясига асос бўлди.

1965 йилда нашр қилинган «Эластиклик ва пластиклиқнинг деформацияланиш назариясида алгоритмлаш» номли монографиясида яхлит муҳитлар механикасида алгоритмлашнинг асослари таърифлаб берилган. Бу механика ва кибернетика фанлари чегарасида пайдо бўлган янги соҳадир. Монографияда илгари сурилган фикрлар Восил Қобулович ва унинг шогирдларининг кейинги илмий ишларида янада ривожлантирилди. Устознинг бу соҳадаги ишлари республика илмий жамоатчилиги томонидан юқори баҳоланди ва унга 1971 йили Беруний номидаги Ўзбекистон ССР Давлат мукофоти берилди.

Олим ёшларнинг меҳрибон мураббийси, маслаҳатгўйи бўлиб, Ўзбекистон комсомоли Марказий Комитети қошидаги «Прогресс» клубининг фахрий раиси ҳисобланади. Республикамизнинг кибернетика факультетлари бўлган олий ўқув юртларида В. Қобулов раҳбарлигида қирққа яқин киши фан кандидати, етти киши фан доктори илмий даражасини олишга муяссар бўлди.

В. Қобулов совет кибернетикаси фанининг йирик мутахассиси сифатида Совет Иттифоқи делегацияси билан Болгария, Польша, Канада, Голландияда халқаро учрашувларда қатнашган. Фанимизнинг толмас жонкуяри қатор халқаро ва Бутуниттифоқ илмий ташкилотларнинг, жумладан Халқаро анологик ҳисоблаш уюшмаси СССР комитетининг, назарий ва амалий механика бўйича СССР миллий комитетининг аъзоси, Ўзбекистон ССР республика автоматлаштирилган бошқарув системасини яратиш бўйича бош раҳбар ҳисобланади.

Катта илмий ишлар билан бандлигига қарамай В. Қобулов жамоат ишларида фаол қатнашади. Илм-фаннинг толмас тарғиботчиси эканлигини республика «Билим» жамияти президиуми раисининг ўринбосари сифатида илмий-тадқиқот натижаларини оммалаштириш соҳасида жуда катта иш олиб бораётганлигидан ҳам билиш мумкин. Унинг бу борадаги хизматлари Бутуниттифоқ «Билим» жамиятининг махсус медали билан тақдирланган. Аллома Ватанимиздаги ижтимоий сиёсий воқеалар билан ҳамнафас бўлиб яшайди. Еттинчи чақириқ СССР Олий Советининг депутати.

Эл-юртга сидқидилдан хизмат қилган кишини эл ҳам ардоқлайди, эъзозлайди. Партия ва ҳукуматимиз унинг фан равнақи йўлидаги хизматларини ҳисобга олиб, 1977 йили «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган фан арбоби» деган фахрий унвон берди. СССР Олий Совети Президиуми Фармонига мувофиқ В. Қобулов яқинда Октябрь Революцияси ордени билан мукофотланди.

Камтарин, камсуқум устоз олимга инсоний баркамоллик, чинор умрини, бобо деҳқонларимиздаги каби бардамликни тилаймиз.

Т. РАШИДОВ,
Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси.

Э. ЭРГАШЕВ,
техника фанлари кандидати, доцент.

ПАХТАКОРЛАР МУСОБАҚАСИ ДАВОМ ЭТАДИ

ЗАРБДОРЛАРЧА ИШЛАЙМИЗ

ЯНГИ ЙИЛ ВА ЯНГИ РЕЖАЛАР

Ўтган 1981 йилнинг якунларидан мамнунмиз. Партия ташкилотлари тўғри йўл кўрсатди. Колхозчи-деҳқонларимиз қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилишди. Механизаторларимиз юқори пахта ҳосили учун курашда байроқдор бўлдилар. Ҳамма ўз участкасида топширилган ишни яхши ва аъло даражада бажариш учун астойдил курашди. Бу кураш табиат инжиқликлари, об-ҳаво ноқулайликларини мардлик билан енгиш шиори остида ўтди.

Йил пахтачилик учун анча ноқулай келди. Колхозимиз бўйича 1.624 гектар пахта майдонига деярли бир яримикки марта қайта чигит экдик. Ҳарорат паст бўлиши туфайли ўсимликнинг ўсиш ва ривожланиши кўзда тутилганидан 15-20 кун орқада қолди. Ҳарорат бирдан кўтарилиб кетиши оқибатида оқар сув етишмасдан ғўза ҳосил нишоналарини тўка бошлади. Бошқа қийинчиликлар ҳам кўп бўлди.

Ана шундай мураккаб шароитда колхозимиз бўйича 6.155 тонна «оқ олтин» тайёрлашга аҳд қилдик. Бу ҳосил кўп қийинчиликларни енгиш, мардонавор меҳнат эвазига етиштирилишини яхши билардик. Халқимиз ўт келса ўтиб, сув келса кечиб нишонга олган чўққига кўтарилишга қатъий азму қарор қилди. Областимиз, районимизнинг барча пахтакор хўжаликларида бўлгани каби, бизнинг колхозимизда ҳам ғўза парваришида зарбдор 90 кунлик эълон қилинди. Шу даврда қалбида виждони, билагида кучи бор кишиларнинг ҳаммаси пахтазорга, ғўза парваришига отланди. Идора аппарати ходимлари, иккинчи даражали ишлар билан банд бўлган кишилар ҳам дала ишларига сафарбар этилди. Қўшимча олтита чопиқ трактори ишга солинди. Ғўза парваришининг сентябрь ойининг иккинчи ярмигача қизғин давом эттирилди.

Меҳнат — меҳнатнинг таги роҳат деб бежиз айтмаганлар. Халқ меҳнати, техника қудрати, ўғитлар мўъжизаси билан пахтадан юқори ҳосил етиштирилди. Ғўза парваришида нечоғли зарбдорчасига ўтказилган бўлса, пахта йиғим-терими даврида социалистик мусобақа ундан ҳам кучайтирилди. Кунлик терим графигини бир яримикки ҳисса қилиб бажариш одат тусига киритилди. Теримчиларга ҳам, механик-ҳайдовчиларга ҳам талабчанлик оширилди. Натижа чакки бўлмади. Колхозимиз кунига йиллик планнинг 5—6 процентига етказиб «оқ олтин» тайёрлай бошлади. Қизғин кунларда суръат яна ошириди.

Шундай қилиб, қоятда оғир ва мураккаб келган йилда ҳам она-Ватанга, юқорида тилга олинган 6.155 тонна ўрнига, 7.200 тонна пахта топшириб, ҳам планни, ҳам социалистик мажбуриятимизни шараф билан бажардик. Давлатга топширилган пахтанинг деярли ҳаммаси юқори сортга қабул қилинди. Бу эса ялпи даромаднинг кўпайишида ҳал қилувчи роль ўйнади.

Ҳар йили пахта йиғим-терими тугагандан сўнг бир йиллик ишимизга якун ясаймиз, ютуқларимизни таҳлилдан ўтказиб, камчиликларнинг келиб чиқиш сабабларини ўрганамиз, уларнинг такрорланмаслигига қаратилган тадбирлар белгилаймиз. 1981 йилнинг яна бир муҳим хусусияти шундан иборатки, колхозимизда меҳнат интизоми мустаҳкамланди, колхозчиларда топширилган иш учун масъулият ҳисси кучайди. Коммунистлар ишлаб чиқаришнинг барча участкаларида байроқдор бўлиб қолдилар.

Пахта йиғим-терими даврида социалистик мусобақа айниқса яхши самаралар берди. Теримчилар, механик-ҳайдовчилар, транспорт ходимлари — ҳамма мусобақага қўшилди. Биз мусобақани авж олдириш йўли билан терим суръатини кўтариш, шаҳардан ёрдамчилар олмасдан борлиқ ҳосилни ўз кучимиз ва техникамиз билан йиғиб-териб олишга аҳд қилдик.

Теримнинг дастлабки кунларида ҳар бир теримчи 55—60 килограммдан пахта терган бўлса, мусобақа кучайтирилган кунларга келиб 80—85 килограммдан, илғорлар эса 200—250 килограммдан пахта терди. Механик-ҳайдовчиларимиз ҳақида ҳам шундай илиқ сўзларни айтиш мумкин. Гап шундаки, «зангори кема»лар тўла ишга туширилиши ва меҳнат унумдорлиги нўтарилиши муносабати билан ҳар куни бир ярим-икки кунлик графикка тенг пахта тайёрладик. Йиллик планни ҳам районимизда биринчилардан бўлиб бажардик.

Бундан қандай хулоса чиқариш керак. Машиналар пахтачиликда асосий таянчимиз бўлиб келди, бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади. Шундай экан, механизатор кадрлар сафини кенгайтирмоғимиз, уларни ўқитиб, малакасини оширмоғимиз, ҳар бир механизатор кадрга камида уч-тўрт хил ишни бажариш йўлларини ўргатмоғимиз керак. Хизмат бурчини ўтаб бўлган кекса механизаторларимиз пенсияга чиқяпти. Уларнинг ўрнини ёшлар ҳисобига тўлдирмоғимиз керак. Менинг фикримча, механизаторликка мавсумда энг кўп ва тоза пахта терган теримчи қизлар ва йигитларни ўқитиш керак.

Колхозимизда пахта ҳосилдорлиги пландаги 37.9 центнер ўрнига 44.5 центнерни ташкил этди. С. Соибов, М. Раҳимов, Б. Эгамбердиевлар бошлиқ бригадаларда ҳар гектар ердан 57 центнергача пахта териб олинди. Б. Ҳомидов, Д. Ҳожиев, Э. Муҳаммадиев, Ш. Сувонов, Ҳ. Ҳимматовлар бригадаларида ҳосилдорлик 45—47 центнерга етказилди. Биз бу бригадаларнинг аъзолари, айниқса механизаторларидан миннатдормиз. Лекин колхозимизнинг ўртача кўрсаткичидан орқада қолаётган бригадалар ҳам йўқ эмас. Ер, сув, ўғит, техника, ишчи кучи ва бошқа имкониятлар бир хил бўла туриб, нега ўша бригадалар кам ҳосил олади? Ҳозир шу ҳақда жиддий бош қотирляпмиз. Нималар қилсак нисбатан пастроқ ҳосилли бригадаларни илғорлар даражасига етказамиз? Қиш фаслида ана шу саволларга аниқ, лўнда жавоб топмоғимиз шарт. Токи, янги йилда колхозимиз бўйича 48-50 центнер пахта етиштириш имкониятига эга бўлайлик!

Ҳозирги пахтачилик бригадалари аввалги кичикроқ бир колхоз даражасига етиб қолди. Масалан, Раим Ҳолмонов бригадаси аъзолари бу йил тайёрлов пунктига 400 тонна, Дони Ҳожиев бригадаси 410 тонна, Одил Норбўтаев бригадаси аъзолари 408 тонна пахта жўнатиб, мажбуриятларини ортиғи билан бажардилар. Бироқ, 250—280 тоннадан пахта тайёрлаётган бригадаларимиз ҳам бор. Колхозимизда пахта майдонини кенгайтириш имконияти йўқ. Шунга қарамай пахтани кўпайтиришимиз керак. Бунинг учун ҳосилдорликни оширмоғимиз, тонна жиҳатдан рўйхатнинг сўнгги ўринларида турган бригадаларни олдинги ўринда турган бригадалар сафига кўтармоғимиз лозим. Шунда колхозимиз бўйича қўшимча 800—1000 тонна пахта тайёрлаймиз. Социалистик мусобақанинг туб негизини ана шу муҳим масалалар ташкил этади.

Ўн биринчи беш йилликнинг иккинчи давраси—1982 йилга кирдик. Одатда пахтакорлар режани қишда оладилар-у, куза якун ясайдилар. Бу йилги режаларимиз ҳар йилгидан улкан. Юқорида айтилганидек, пахта ҳосилдорлигини 48—50 центнерга кўтариш ниятидамиз. Мўл ҳосилга қандай замин яратиляпти? 1.624 гектар пахта майдонини минерал ва органик ўғитлар қоришмаси билан ўғитлаб, икки ярусли плугларда чуқур шудгорлаб қўйганимизга анча бўлди. Шу кунларда ҳамма картаналарга яхоб бериляпти. Ирригация-мелиорация тармоқлари тартибга келтирилаётир. Ҳар гектар ер ҳисобига 20-25 тонна органик ўғитлар жамғариш одат тусига киритганмиз. Хўжалигимизда органик ўғитлар жамғариш бригадаси йил — ўн икки ой иш олиб боради.

Пахта-беда алмашлаб экиш схемасига мувофиқ барча бригадалар карталарини кўздан кечириб чиқдик. Беда майдонини камайтирмаймиз, маккажўхори экишга ўтган йилдагидан кўпроқ ер ажратамиз. Ҳар қандай шароитда ҳам пахта майдонларида гектарларнинг тўла, кўчатлар сонининг бут бўлишини таъминлаймиз. Агротехника тадбирларини изчиллик билан амалга ошириб, ҳар гектар ер ҳосилдорлигини ўртача 5—6 центнер кўтарамиз. Ҳозирдаёқ қайси карталарга қандай схема бўйича чигит экишни аниқ белгилаб олдик. Техника воситалари, минерал ўғитлар, сув ресурсларини бригадаларароро тўғри тақсимлаб чиқдик.

Техника воситаларини мавсумга тайёрлаш қизитиляпти. Азамат механизаторларимиз автотрактор парки, устахоналарда қизғин иш олиб боришяпти. Лекин ремонт учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларни тўла олдолмаяпмиз. Бу борада республика ва областнинг дахлдор ташкилотлари амалий ёрдамни кучайтирмоқлари керак, токи, узоғи билан бир ой ичида мавжуд техника воситаларининг ҳаммасини кўкламги ишларга шай қилиб қўйиш имкониятига эга бўлайлик!

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартияси XX съезди қарорларини амалга ошириш учун курашаётган колхозимиз аъзолари бундан кейин ҳам ҳосилдорликда карвонбоши бўлаверадилар. Чорва қишловини соз ва бехатар ўтказиш учун зарур бўлган ҳамма чораларни кўряпмиз. Гўшт, сут, тухум ва бошқа хил маҳсулотлар тайёрлашни кучайтириб, сорти ва сифатини яхшилаймиз. Ўн биринчи беш йилликнинг, иккинчи босқичи — 1982 йилни сарбдор меҳнат йилига айлантирамиз.

З. ҲОШИМОВА.
Самарқанд область, Пахтачи районидаги «Пахтакор» колхози раиси.

Б. И. ЗЕЙДМАН

Ўзбекистон музика санъати оғир жудоликка учради. Ўзбекистон ССР халқ артисти, Озарбайжон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, таниқли композитор, М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваториясининг профессори Борис Исаакович Зейдман узоқ давом этган оғир касалликдан сўнг, 1981 йилнинг 30 декабрида вафот этди.

У 1908 йилда Ленинградда туғилди. Ленинград давлат консерваторияси композиторлик факультетини профессор М. О. Штейнберг класси бўйича тугатди. Меҳнат фаолиятини Саратов музика билим юртида педагогликдан бошлади. Кейин Ленинград, 1939 йилдан эса Боку консерваториясларида педагоглик фаолиятини давом эттирди. 1947 йилда КПСС сафига кирди. 1957 йилда у Тошкент давлат консерваториясининг композиция кафедраси мудирлиги лавозимига чакирилди ва Ўзбекистоннинг музика маданияти тараққиётида фаол иштирок этди. Шу йиллар давомида у номи мамлакатимизда машҳур бўлган кўплаб музика санъати усталарини етиштирди.

Катта ва кўп қиррали талант эгаси бўлган бастакор сифатида у кўп миллатли совет музика маданияти тараққиётига салмоқли ҳисса қўшди. У тўққизта опера, бешта балет, саккизта симфония ва бошқа кўплаб чолғу асарлари яратди. Улар орасида композиторга шуҳрат келтирган «Полк ўғли», «Рус кишилари», «Кулаётган киши», «Аждаҳо ва қўш» асарлари, «Кураш қўшиғи» симфонияси бор. Совет шарқи музикаси, айниқса, Озарбайжон ва ўзбек музика маданиятининг ўзига хос хусусиятини чуқур ўрганиш унга «Зайнаб ва Омон» операси, «Ҳисрав ва Ширин» симфонияси сингари чиноқам ёркин халқ асарларини яратиш имконини берди. У кўплаб миллий спектакль ва кинофильмларга куй бастаяди.

Б. И. Зейдман ижодий ва педагогик фаолиятини жамоатчилик иши билан муваффақиятли қўшиб олиб борди. Музика санъатини ривожлантиришдаги хизматлари учун у «Ҳурмат Белгиси» ордени, СССР медаллари, Ўзбекистон ва Озарбайжон ССР Олий Совети Президиумининг Фахрий ёрлиқлари билан мукофотланди.

Истеъдодли композитор, педагог, ажойиб коммунист Б. И. Зейдманнинг ёркин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ш. Р. Рашидов, О. У. Салимов, У. У. Умаров, Р. Ҳ. Абдуллаева, А. О. Тўраев, З. Р. Раҳимбобоева, С. Эшонтўраева, Э. Ш. Солиҳов, Д. Г. Абдурахмонова, И. И. Акбаров, С. Бобоев, Б. Ф. Гиенко, В. И. Гриненко, Г. Б. Измайлова, С. А. Қобулова, Ҳ. Носирова, М. М. Тожиев, Г. А. Тўлеганов, З. Ф. Ҳақиазаров, С. А. Юдаков.

ЧЎЛГА СУВ

Қорақалпоғистонда катта ирригация иншоати — сув тақсимлайдиган узел қопқоқлари кўтарилди. У Амударё дельтасида ишга тушди. Тўғондан тўрт ёққа секундига 300 кубометрдан сув оқа бошлади.

Гидроузел дастлабки дақиқалардан бошлаб 1982 йил ҳосили учун ишламоқда. Қишда сув шолипоя учун ўзлаштирилаётган ўн мингдаб гектар шўр ерларни ювади, яйловлардаги қуруқ ерларга яхоб беради.

Лойиҳачилар тақсимот узелини Қизилқумдаги мавжуд Қувонишжар суғориш системасининг ёқасига ўрнатдилар. Тўғоннинг металл ва бетон қисмлари Нукусдаги заводда тайёрланди. Бунинг натижасида опалубка кўтаришга эҳтиёж қолмади, мингдаб кубометр ёғочни тежаш мумкин бўлди. Тўғон йирик блокли панелларни йиққан сингари монтаж қилинди. Айни маҳалда сув келадиган канал ҳам қазиб борилди.

Гидроузелнинг асосий вазифаси 90 минг гектар шолипоя ва пахтазорни сув билан таъминлашдан иборат.

Хатирчи районидаги Карл Маркс номли колхоз чорвадорлари янги йилни улкан меҳнат ютуқлари билан кутиб олдилар. Бу муваффақиятларга хўжаликнинг моҳир сут соғувчиси Ҳусния Жумаева айниқса баракали улуш қўшди. Утган йилда ҳар бир сигирдан 3000 килограммдан ошириб сут соғиб олган «оқ чашма» соҳибаси айни кунларда ҳам боқимидаги сигирларни меҳр билан парвариш қилиб кунига ҳар бир сигирдан 8-10 килограммдан сут соғиб олмоқда. Суратда: Ҳ. Жумаева.

Н. Элмуродов фотоси.

Турли касб эгалари

АҲОЛИ ХИЗМАТИДА

Бу ерда уни ҳамма танийди. Касбдошлари уни ҳурмат қилишади. Фақат касбдошларигина эмас, балки бутун Чилонзор райони меҳнаткашлари уни яхши билишади. Ўз касбига бўлган меҳр, одамларга меҳрибонлик туфайли у шундай обрў-эътиборга эришди.

Муҳаббат Хонхўжаевна Ҳасанова ёшлигиданоқ юристлик касбига меҳр қўйди. У 1950 йилда Тошкент юридик институтини муваффақиятли тугатиб, юрист дипломини қўлга киритгандан кейин юстиция органларида меҳнат қила бошлади. 1952 йилдан бери нотариал конторада ишлаб келяпти. Мана, 32 йилдирки, Муҳаббат опа шу касбда ҳалол меҳнат қиляпти.

Ўтган йиллар мобайнида у мингдаб совет кишиларининг ҳожатини чиқарди. Тошкент шаҳар аҳолисининг оғирини енгил қилиш борасида астойдил ҳаракат қилди. У дастлабки устозлари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган юристлар Раҳима Акбарова, Саломат Қурбонбоева, Людмила Карвницкая бошчилигида нотариуслик касбининг нозик сирларини ўрганди. 1963 йилдан бери Чилонзор район давлат нотариал конторасида бошлиқ бўлиб ишлаяпти.

Чилонзор районидаги бу муассаса коллективи М. Ҳасанова бошчилигида катта ютуқларга эришди. Тошкент шаҳри бўйича ўтказилган социалистик мусобақада бир неча бор ғолиб чиқди. Бу ерда Муҳаббат опанинг бевосита раҳбарлигида янги-янги ташаббуслар амалга оширилди. Жумладан, мактаб ўқувчиларининг етуклик аттестатидан нусха кўчириш ишлари марказлаштирилди. Илгари ўнинчи синфни битирган йигит-қизлар эрталабданоқ нотариал контора ёнида навбатда туришарди. Бу уларнинг анчагина вақтини олар, баъзан эса ҳафталаб ишларини битира олишмасди. Эндиликда эса нотариал контора ходимлари бевосита мактабларнинг ўзига бориб шаҳодатномадан нусха кўчириш ишларини амалга оширишади. Бунинг учун махсус машинисткалар ажратилади. Кейинчалик эса бу нусхалар нотариус бошлиғи томонидан тасдиқланади. Бу тажриба Чилонзор райсининг кўпгина мактабларида амалга оширилди. Райондаги 103, 26, 73, 13, 95-мактабларда муваффақиятли амалга оширилди.

Кейинги пайтларда уруш ва меҳнат ветеранларига хизмат кўрсатиш сифати яхшиланди. Кўпинча уларнинг уйларига бориб хизмат кўрсатилади. Муҳаббат Ҳасанова ва унинг шогирдлари ишидан кўпчилик мамнун. Коллективнинг фикр-мулоҳазалар дафтари миннатдорчилик сўзларига бой. Мана улардан баъзилари:

«Биз биринчи Давлат нотариал конторасининг М. Ҳасанова ва унинг касбдошларига ўз ишларини астойдил севишлари ва одамларга меҳрибонлик кўрсатганликлари учун катта раҳмат, дейиз. Чилонзор районидаги бу коллектив бизда катта таассурот қолдирди. Биз бу ердаги меҳрибонликни, ширинсўзликни кўриб қойил қолдик. Гарчи, биз бу ерга тушки танаффус пайтида келган бўлсак ҳам тегишли ҳужжатларни ўз вақтида тасдиқлаб беришди. Бунинг учун коллективга самимий миннатдорчилик билдирамиз».

Рустам Маъдиев,
Сергей Иванов.

Миннатдорчилик сўзларини фақат чилонзорликларгина эмас, балки пойтахтимиз меҳмонлари ҳам билдирмоқда:

«Мен Тошкент шаҳар Чилонзор районидаги 1-давлат нотариал конторасига келиб, бу ерда одамларга меҳрибонликнинг ёркин намунасини кўрдим. Мен бир куни тушлик пайтида бу ерга келдим. Вақт тиғиз эди. Мен тўғридан-тўғри ўртоқ М. Ҳасановага мурожаат қилдим. У эса шогирдлари билан тезда ишга киришиб менга берилган ишончномани расмийлаштириб беришди. Ҳалол меҳнат қилаётган контора ходимларига астойдил миннатдорчилик билдираман».

П. Цишнатий,
ҳарбий хизматчи.

Коллективнинг фикр ва мулоҳазалар дафтарида бундай яхши истаклар жуда кўп. Улар аҳли коллективнинг ўз ишига астойдил меҳр қўйганлигини эътироф этмоқдалар. Тошкент шаҳар, Чилонзор райони меҳнаткашларига астойдил хизмат кўрсатаётган нотариал контора ходимлари бундан буён ҳам халқ хизматида бўлаверади.

Ш. МИРҲАБИБОВ.

ПЛАНЕТАНИНГ БИР КУНИ

ПОЛЬШАДАГИ АҲВОЛ

ВАРШАВА. (ТАСС). Бу ерда ПХР Министрлар Советининг мажлиси бўлди. Мажлисда ҳарбий ҳолат шароитида бажарилган ишларнинг сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий натижаларига баҳо берилди. Кўп ойлар мобайнида экономикани изидан чиқариб келган забастовкаларга барҳам берилганлиги меҳнат унумдорлигини ва ишлаб чиқаришни ўстириш учун имкониятлар вужудга келтирмоқда, деб таъкидлаб ўтилди. Ижтимоий ва иқтисодий ҳаётдаги анархия тугатилди. Чайқовчиликка қарши ва жиноятнинг бошқа формаларига қарши самаралирок кураш олиб борилаётганлиги жиноятларнинг камайишига йўл очиб бермоқда. Иқтисодий жиноятлар анча камайди. Аҳоли ўзини хавф-хатарсиз ҳис этмоқда. Мамлакатни тангликдан қутқазиш реал бўлиб қолмоқда.

Министрлар Совети хўжалик тараққиётининг йўлларини аниқ белгилаб берди ва меҳнат мажбурияти тўғрисидаги қарорни қабул қилди. Бу қарор дарҳол кучга кирди. Жамоат интизоми кучайганлиги ва мамлакатда 13 декабрдан кейин амалга оширила бошлаган фармойишга аҳоли риоя қилаётганлиги эътиборга олиниб янги йилга ўтар кечаси комендантлик соати бекор қилинди.

Миллий нажот ҳарбий кенгашининг таклифига биноан ПХР Давлат Кенгаши ҳокимиятнинг маҳаллий органларига сайловни жамоат осойишталиги тўла қарор топган бир вазиятда ва мамлакат конституцияси принципларига мувофиқ равишда ўтказиш учун уни кечиктириш тўғрисида қарор қабул қилди. Маҳаллий халқ Советлари депутатларига ялги сайловга қадар ўз бурчларини бажариб бориш топширилди.

Польша матбуот органларида корхоналар ва муассасаларда, шунингдек қишлоқда тартиб тиклангганлиги ва нормал иш олиб борилаётганлиги тўғрисидаги хабарлар асосий ўринни олади. Кейинги кунларда қишлоқларда давлатга кишлоқ хўжалик маҳсулотлари кўпроқ топширила бошланди. Халқ хўжалигини аста-секин тушкунликдан халос қилиш учун, деб ёзади «Трибуна работника» газетаси, кўмир саноатининг имкониятларидан тўлиқ фойдаланиш керак. Кўмир қазиб чиқаришни 170 миллион тоннага етказиш ва 6 миллион тонна кўмирни экспорт қилиш зарур.

АҚШда Польшага қарши кенг қўламда олиб борилаётган кампания ҳам Польша матбуотида яна бир асосий мавзу бўлиб қолди. Давлат секретари А. Хейг Польшага қарши кампанияга қўшилди. У Сан-Францискода халқаро ишлар билан шуғулланувчи кенгашда Польшадаги контрреволюцион кучларни ошкора қўллаб-қувватлади ва экономикадаги бошбошдоқлик ҳамда очерчиликнинг тарқалиши ПХРда ҳарбий ҳолат жорий этилиши муносабати билан кўрилган тадбирларни гўё пучга чиқариб қўяди, деб умид қилганлигини данғал айтди. Бундай гаплар Польша аҳолиси талайгина қисмининг оғир аҳволини янада мушкуллаштиришга интилаётган АҚШнинг ниятларини фош қилиб ташлайди.

«Вядомости шчецинске» газетаси шу мавзуга доир шарҳларида қуйидагиларни ёзади: АҚШда Польшага қарши қилинаётган ҳужумларни Америкаинг жаҳондаги бошқа мамлакатларга нисбатан тутган сиёсатининг бевосита намунаси деб аташ керак. Ҳозирги вақтда поляклар қеч қандай ҳомхёлга бормай, Оқ уй маъмуриятининг ташқи сиёсий йўлига баҳо беришлари керак. Империалистлар ўзи учун наф кўрмаган жойда бир тийинни ҳам бермайдилар, деган қадимий ҳикмат гапларнинг тўғрилиги тасдиқланди.

Илгари ғарбдан ёрдам тариқасида юборилган замонавий полиграфия техникаси ва инъом-эҳсон қилинган маблағлардан поляк халқининг турмушини яхшилаш учунгина эмас, балки Польшадаги давлат тузумига путур етказиш учун фойдаланилди. Америка долларларининг галайгина қисми «Бирдамлик» экстремистлари ва бошқа антисоциалистик ташкилотларнинг ҳамёнига тушганлиги сир эмас.

«Вядомости шчецинске» газетаси мақолаларнинг охирида бундай деб ёзади: Рейган иқтисодий ёрдамнинг ҳамма йўлларини тўсиб қўйди. Биз ўзимизга тааллуқли муаммоларни ҳал этишга қодир эканлигимизни бутун жаҳонга тасдиқлаб беришимиз керак. Бизнинг тарихий тажрибамиз ва урушдан кейинги даврда Польшанинг тиклангганлиги мамлакатни тангликдан қутқазиш учун бутун куч-ғайратимизни бирлаштириш мажбуриятини бизнинг зиммамизга юклайди.

Р. РЕЙГАН БАЁНОТИ ХУСУСИДА

Оқ уй Р. Рейганнинг Польшадаги воқеаларга тааллуқли навбатдаги баёнотини эълон қилди. Президент аввалгидек объектив фактларни инкор қилади, ишларнинг ҳақиқий аҳволини сохталаштириб кўрсатади. Польша Халқ Республикаси ҳукуматининг бошлиғи генерал Б. Ярузельскийнинг изоҳлари ва далилларини у эътиборга олмайди.

АҚШ президенти Польшада ҳарбий ҳолат жорий этилиши учун масъулиятни ҳеч қандай асоссиз, фактларга хилоф равишда Совет Иттифоқига юклайди. Гўё кўп ойлар давомида «руслар репрессия чоралари кўрилишини талаб қилиб келдилар», деб даъво қилади у. «Польша раҳбарларига кучли тазйиқ» қилдилар, ҳозир эса, Р. Рейганнинг ибораси билан айтганда, «Польшада қилинаётган репрессияларни ошкора қўллаб-қувватламоқдалар». Бунда у жўн мантиққа амал қилмоқда, воқеалар президентга шундай бўлиб туюлмоқда, шу боисдан ҳам Совет Иттифоқининг позициясини яна бир бор қўпол қалбакилаштириш унинг учун ҳеч нарса эмас. Ҳолбуки Совет Иттифоқининг позицияси Америка томонига неча марталаб маълум қилинган эди.

Р. Рейган ўз баёнотида Л. И. Брежнев билан бўлган ёзишмани эслатиб ўтади-ю, аммо совет раҳбари хатининг маъносини бузиб кўрсатади. Хўш, бу ҳатда нима дейилган эди? Л. И. Брежнев айни АҚШки, ниҳоят, суверен давлат — Польша Халқ Республикасининг ички ишларига аралашишга, узоқ вақтлар бери жуда хилма-хил шаклларда давом этиб келаётган аралашишни тўхтатишга чақирган эди.

Хатда АҚШнинг Польша жамияти бундан буён қайси йўллар билан ва қандай ривожланиши лозимлигини поляклар номидан ва уларнинг ўрнита ҳал этиш тўғрисидаги даъволари рад қилинган эди. Польшадаги ижтимоий тузумни на Вашингтон, на Москва ва на бошқа пойтахтлар эмас, балки поляклар танлаб олган, деб таъкидлаган эди Л. И. Брежнев. Польша раҳбарларининг ўз ишчи ишларини қандай ҳал этишлари керакligини уларга ҳеч ким кўрсатиб бера олмайди.

Р. Рейганнинг АҚШ ҳукумати СССР билан муносабатлар соҳасида қандайлар манфий қадамлар қўйишга мумкинлиги тўғрисида шама қилиб айтган гаплари муносабати билан Л. И. Брежневнинг жавобида мамлакатларимиз ўртасида Америкаинг аввалги маъмуриятлари даврида кўп куч-ғайрат сарфлаш эвазига эришилган жамики ижобий ютуқларни барбод қилиш учун Американинг ҳозирги маъмурияти бусиз ҳам бир талай иш қилганлиги уқтириб ўтилган эди. Агар Совет — Америка муносабатларига бундан буён ҳам путур етказиладиган бўлса, бунинг учун бутун жавобгарлик Қўшма Штатларнинг зиммасига тушган бўлур эди.

Президентнинг янги баёноти шундан далолат берадики, «социализмни улоқтириб ташлаш» борасида миянга ўрнаб қолган истак Америка раҳбарлари орасидаги айрим кимсаларнинг кўзини хиралаштириб қўймоқда, реалликни кўришга ҳалқит бермоқда. Президент БМТ Уставини ва Хельсинки Якунловчи актини рўкач қилаётганлиги ўзбошимчаликни, бошқаларнинг ишларига аралашувни давом эттириш ва кучайтириш, АҚШни бошқа давлатларнинг суверенитети ва манфаатларидан юқори қўйиш ниятини яширадиган ниқобдан бошқа нарса эмас.

СССРга нисбатан хиралик билан такрорланаётган кетма-кет уйдирмалар АҚШ президентига ўзи эълон қилган ва Совет — Америка муносабатларини янада ёмонлаштиришга олиб борадиган чораларки асослашга уриниш учун керак бўлиб қолган. Аэрофлот самолётларининг АҚШга учиши тўхтатиб қўйилди, денгизда кема қатновига барҳам берилган янги Совет — Америка битими тўғрисидаги музокаралар кейинга суралмоқда, халқаро бозорда оддий савдо-сотиқ моллари бўлмиш баъзи бир асбоб-ускуна ва техникани СССРга сотишга ижозат бериш тартиби мушкуллаштирилмоқда. Бир қанча иқтисодий лойиҳалар юзасидан алоқаларни қайтадан бошлаш ташаббусини Қўшма Штатларнинг ўзи кўтариб чиққанлиги маълум, энди Қўшма Штатлар шу алоқалардан бир ёқлама тарзда воз кечмоқда.

АҚШ халқаро ҳуқуқ нормаларини, ўзининг бошқа мамлакатлар олдидаги мажбуриятларини писанд қилмай, инжиқ демагогда ҳам, тутуриқсиз миноз эканини кўрсатмоқда. Шу боисдан ҳам Р. Рейганнинг баёнотида АҚШнинг «Совет Иттифоқи билан амалий ва ўзаро манфаатли муносабатларни давом эттириш» истаги борлиги тўғрисидаги сўзлар бу фикрни ўзгартирмайди. Бу сўзлар — қуруқ иборалар, холос.

Вашингтон маъмуриятининг фезл-атвори давлатлар ўртасидаги муаммоларни ҳамжиҳат ҳолда ечишга фойда келтирадиган, халқаро ҳавфсизликни мустаҳкамлашга хизмат қиладиган тарзда бартараф этиш йўлларини топишга қийинлаштирувчи энг катта тўсиқдир. Америка президентининг ҳамда АҚШдаги бошқа расмий кишиларнинг, ҳам айтаётган гаплари улар аралашув, тазйиқ, ялғоз чораси, тақиқ ва шу сингари методларни ҳеч тарк эта олмаётганликларини кўрсатиб турибди. Мана шуларнинг ҳаммаси аллақачон архивга топшириш пайти келган сиёсат белгиларидир.

Ҳар бир халқ ўз юртидаги ҳаётни ўз билганича ташкил этишга ҳақлидир, кимда-ким ўзини ваде ва маслаҳатчи тариқасида тиқиштирмоқчи бўлса, унга «қўлингни торт!» деб айтиш ўринлидир.

(ТАСС).

ЗАРАР КЎПАЙИБ БОРМОҚДА

СТОКГОЛЬМ. Швеция бошидан кечираётган моддий ва иқтисодий қийинчиликлар мамлакатдаги газета нашриёт фирмаларини ҳам четлаб ўтмади. «Гётеборгс-постен» газетасининг хабар беришича, ўтган йили Швециядаги энг катта газеталар жиддий молиявий зарар кўришди.

Чунончи, «Дагенс Нюхетер» газетаси 20 миллион крон, «Свенска дагбладет» газетаси 40 миллион крон зарар кўрди, «Арбетет» газетаси кўрган зарари эса рекорд миқдорга — 50 миллион кронга етди.

Швеция целлюлоза-қоғоз саноати бошидан кечираётган танглик ва қоғоз нархи кескин ошганлиги ана шундай ахвол юз беришининг асосий сабабларидан биридир.

АДР ТАШҚИ ИШЛАР МИНИСТРЛИГИ ВАКИЛИНИНГ БАЁНОТИ

КОБУЛ. (ТАСС). АДР ташқи ишлар министрлиги Америка президенти Р. Рейганнинг Афғонистон тўғрисида масъулиятсизлик билан айтган гапларини қатъиян қоралади. Бахтар агентлигига ташқи ишлар министрлигининг вакили бундай деди: дунёда бирон бир куч ҳам, бирон бир ҳукумат ҳам озод ва мустақил Афғонистон халқи номидан гапиришга, унга ўз истагини тиқиштиришга ҳақли эмас. АҚШ президенти ўзининг яқинда берган баёнотларида яна АДРнинг ички ишларига очиқдан-очиқ аралашиб бошлади, деди у. Рейган жанобларига ва унинг маъмуриятига мамлакатлар халқлари билан зўравонлик тилида, бу халқлар қандай ҳукуматга эга бўлишлари тўғрисида буйруқ оҳангида гапиришга журъат этмоқда.

АҚШ жаҳон халқларига таҳдид қилишгина қолмай, балки шу билан бирга Вашингтон манфаатларига мос бўлиб тушадиган сиёсий системани қабул қилдиришга уринаётганлигини кўрсатувчи сон-саноксиз мисоллар бор.

АҚШ империализми ва халқаро реакция кучларининг ҳар қандай фитналари, туҳмат гаплари, сохта пропагандаси, АДРни социал иқтисодий ривожлантириш йўлига ўтишга ҳеч қачон ҳеч нарса ва ҳеч ким ҳеч қачон ҳеч нарса ва ҳеч ким ҳеч қачон ҳеч нарса ва ҳеч ким

АХБОРОТ

БУХОРО

КОЛХОЗДА ЛИМОНАРИЙ

Наби Келдиёров субтропик мевалар етиштириш бўйича мутахассис Зайниддин Фахриддиновнинг шогирди. У лимон дарахтларини кўпайтириш, парваришлаш ва ҳосилдорлигини ошириш технологиясини Қизилтепа районидаги «Партия XXII съезди» колхозида қўллашга киришди. Колхозда теплица хўжалиги қурилди. Дастлаб 3 сотих майдонда лимонарий барпо этилди. Унда 68 туп «Тошкент-1» ва «Ф-2» навли лимон кўчатлари парвариш қилиниб, у нормадаги 3 йил ўрнига икки йилдаёқ ҳосилга кирди. Шундай қилиб, лимонарийга асос солинди.

Утган икки йилда лимонарийдан қариб 20 минг дона лимон олиниб, колхозчилар ва шаҳарликлар дастурхонига тортиқ этилди. Бу йил ҳосил айниқса мўл бўлди. Ҳар тупда ҳар бири 500—600 грамм келадиган лимон меваси пишиб етиляпти. Бундан ташқари «Москва», Жданов номли қўшни колхозларга 400 тупдан зиёд лимон кўчатлари ҳам етказиб берилди. Ҳозир хўжаликда янги лимонарий корпуси қуриляпти. Бундан колхоз йилига 100—150 минг сўм даромад кўради, теплицада 500—600 та лимон кўчати етказилади.

МЕБЕЛГА — СИФАТ БЕЛГИСИ

СССР 60 йиллигига — 60 зарбдор хафталик қизғин давом этаётган бир пайтда Бухоро мебель фабрикаси меҳнат аҳли муносиб ғалабани қўлга киритди. Корхонада маҳсулот ишлаб чиқариш ва реализация қилиш йиллик плани муддатидан илгари адо этилди. Шунингдек, давлат Сифат аттестация комиссияси фабрика конвейерида тайёрланаётган полировкали кийим-кечак шкафига давлат Сифат белгиси берди.

Сифатли маҳсулот тайёрлаш учун корхонада аҳ олдирилган мусобақада коммунист Т. Аҳмедов бошлиқ тайёрлов участкаси, М. Сайтмеров, У. Мавлоновлар бошлиқ прессловчи ва йиғувчи бригадаларнинг коллективлари пешқадамлик қилишаётир.

ЛАЗЗАТЛИ ИЧИМЛИКЛАР

— Бухородаги савдо дўконларига «Райҳон», «Тоғ гули», «Оромижон» деб номланган янги хил чанқоқ босди ичимликлар жўнатишни кўзда тутяпмиз, — дейди Бухоро пиво заводининг планлаштириш бўлими бошлиғи Е. Шефеева. — Корхонамиз мутахассислари хушбўй шифобахш ўсимликлардан янги хил ичимликлар ишлаб чиқариш технологиясини ўзлаштирди.

Завод бундан ташқари табиий асаллардан қисман фойдаланиш йўли билан «Асаллари», «Тошкент» номли мевали ичимликлар ишлаб чиқаришни ҳам йўлга қўйди.

Ҳ. ҚОДИРОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

КИТОБ ЖАВОНИНГИЗГА

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНЛИ «ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИ ҚУЙИДАГИ КИТОБЛАРНИ БОСМАДАН ЧИҚАРДИ:

М. МУЙДИНОВ. Меҳнат кишини улуғлайди.

Китоб муаллифи К. Е. Ворошилов номли Меҳнат Қизил Байроқ ва Октябрь революцияси орденли Тошкент қишлоқ хўжалик машинасозлиги заводининг слесари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Ленин ва «Ҳурмат Белгиси» орденлари соҳиби, Ўзбекистон ССР Олий Советининг депутати Маҳмуд Мўйдинов республикамизда кенг танилган. У ушбу рисоласида завод коллективининг босиб ўтган ярим асрдан зиёд шонли йўли, коллективнинг ажойиб меҳнат анъаналари, ишлаб чиқаришни юксалтиришдаги бой тажрибалар ҳақида, ишчилик виждони, мастернинг ташкилотчилик ва тарбиячилик роли, устоз ва мураббийлар, ишчи сулолалари ҳақида ибратли ҳикоя қилган.

З. НОРҚУЛОВА, А. ЭРКАЕВ. Колхоз ишлаб чиқаришини интенсив ривожлантириш.

Пахтачи район колхозчилари Самарқанд областида кўп йиллардан бери пахтадан юқори ҳосил етиштириб келмоқдалар. Бу муваффақиятлар аввало ишлаб чиқариш бўлимларининг тўла хўжалик ҳисобига ўтказилганлиги, меҳнат маданиятининг юқорилиги, хўжаликда меҳнатни ташкил этишнинг янги прогрессив формаларидан фойдаланилганлиги натижасида қўлга киритилди.

Муаллифлар Ўзбекистон КП Пахтачи район комитетининг биринчи секретари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Зулайҳо Норқулова билан Самарқанд область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармаси раисининг ўринбосари, иқтисод фанлари кандидати А. Эркаев ана шулар ҳақида ҳикоя қиладилар.

КОЛЛЕКТИВ. Ўзбекистон колхоз ва совхозлари тарихи.

Бу китобда республикамиздаги ўн колхоз ва тўрт совхознинг босиб ўтган шонли йўли ҳақида ҳикоя қилинган ва партия ленинча аграр сиёсатининг амалга оширилиши босқичма-босқич ёритилган.

П. ПРОТОСОВ, Ф. ҚОДИРХЎЖАЕВ. Пахтачиликда ўғитлардан фойдаланиш.

Китобда пахтачиликда ўғитларни қўлланиш масалалари, тупроқ унумдорлиги ва пахта ҳосилдорлигини оширишда азот, фосфор ва калий ўғитларининг роли таҳлил этилган.

Хоразм областининг Хива районидаги Фрунзе номли колхоз маданият саройи шу кунларда айниқса гавжум. Байрамона безатилган маданият кошонасида қишлоқ меҳнаткашлари бўш вақтларини кўнгилли ўтказишмоқда. Қишлоқ ҳаёти акс эттирилган расмлардан иборат кўргазма ишлаб турибди. Бадиий ҳаваскорлик коллективларининг чиқишлари маромли ўтмоқда. Суратда: «Оқ нулар» колхозлараро ансамблининг қатнашчилари концертдан кейин.

К. Отаев фотосн. (ЎзТАГ).

«НАШТАР» ЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВ

Республикамиз сатирик киножурнали «Наштар»нинг 100-сони суратга олинди. Шу муносабат билан кинотеатрларда, клубларда, маданият саройларида «Наштар» ижодкорлари билан учрашувлар, журналнинг ранг-баранг фаолиятига бағишланган суҳбатлар бўлиб ўтди. Тошкент шаҳридаги «Кўкча» кинотеатрида бўлган учрашув айниқса қизиқарли бўлди. Бу учрашув катта кулги ва ҳанда кечасига айланиб кетганлиги билан эсда қолади.

Кечага «Наштар»нинг ижодий коллективи — ҳажвчи ёзувчилар, режиссёр ва операторлар, кулги даргаларч, томошабинлар даврасида маълум ва машҳур сазъат усталари ташриф буюрди.

Киножурналнинг масъул ктиби, республикада ҳизмат кўрсатган маданият ходими Сами Абдуқаҳҳор «Наштар»нинг бугунги изланишлари, ижодий режалари ҳақида гапириб, мухлислар ҳузурига келганларни таништиради. Шундан сўнг Ўзбекистон ССР халқ артисти Оминаҳон Фаёзова, республикада хизмат кўрсатган артист Бахтиёр Ихтиёров ва бошқалар сўзга чиқиб, ўзларининг дил сўзлари билан ўртоқлашишди.

Учрашувда «Наштар» киножурналининг бир неча сони намойиш этилди.

Григорий Яковлевич ГУБАНОВ

Биология фани ва пахтачилик оғир жудоликка учради. Таниқли ғўза физиологи, биология фанлари доктори, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор, 1939 йилдан КПСС аъзоси Григорий Яковлевич Губанов 74 ёшида вафот этди.

Г. Я. Губанов 1936 йилда Москва Давлат университетини тугатганидан сўнг Тошкентга келди. Унинг бутун илмий фаолияти умрининг сўнгги кунларигача СоюзНИХИнинг собиқ марказий селекция станцияси (ҳозирги Г. С. Зайцев номидаги Бутунитттифоқ ғўза селекцияси ва уруғчилиги илмий-тадқиқот институти)да ўтди. У бу ерда 36 йил мобайнида ўсимликлар физиологияси лабораториясига раҳбарлик қилди, 1978 йилдан эса институтнинг илмий консультанти бўлиб ишлади.

Г. Я. Губанов ғўза уруғи физиологияси, чигитнинг шаклланиши, теримдан кейинги етилиши, ғўзанинг ташқи муҳит ноқулай омиллари — қурғоқчилик, паст ҳарорат, тупроқнинг шўрланишига чидамлилигига оид, вилт билан касалланган ғўзанинг физиологик, биохимик табиатини ўрганиш бўйича катта тадқиқотлар олиб борди. Ана шу кенг доирадаги ишларнинг натижаси пахта ҳосилдорлигини янада ошириш, ғўза вилтига қарши курашиш юзасидан агротехник тадбирларни ишлаб чиқишга имкон берди.

Г. Я. Губанов ғўза физиологиясига оид 70 дан зиёд илмий иш эълон қилди. Улар орасида «Ғўза вилти», «Ғўзанинг фузариоз вилти», «Чигит физиологияси» монографиялари, айниқса, илмий ва амалий аҳамиятга эгадир. Г. Я. Губановнинг кўплаб шогирдлари ғўзанинг иммунологияси, селекцияси, физиологияси ва биохимияси соҳасида муваффақиятли тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

Партия ва ҳукуматимиз Г. Я. Губановнинг хизматлари ва пахтачиликни ривожлантиришдаги илмий ҳиссасини юксак баҳоладилар. У «Ҳурмат Белгиси» ордени, медаллар билан мукофотланган. Унга «Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган пахтакор» фахрий унвони берилган эди. Г. Я. Губанов илмий изланишларга чуқур ёндашуви, ишда юксак талабчанлиги ,илмий муаммоларни ҳал қилишда изчиллиги ва шахсан камтарлиги билан ажралиб турарди.

Истеъдодли олим, педагог ва устоз, ажойиб инсон Григорий Яковлевич Губановнинг ёркин хотираси уни билган ва у билан ишлаганлар қалбида ҳамиша сақланиб қолади.

БИР ГРУППА ЎРТОҚЛАРИ.

ЯНВАРЬ ОБ-ҲАВОСИ

Ўрта Осиё регионал гидрометеорология маркази хабар беради:

Республиканинг кўпчилик районларида об-ҳавонинг нормага яқин бўлиши кутилади. Фақат шимолий районларда ҳароратнинг совуқ бўлиши мумкин. Кечалари 2 даража совуқ билан 3 даража иссиқ атрофида бўлади. Жанубда ҳарорат 3—8 даражагача кўтарилади. Ой бошида ҳарорат сал пасаяди. Бунда кечалари 3—8, кундузлари 2 даража совуқ бўлади.

Ойнинг биринчи ярмида ҳаво бир оз совиб кечалари 3—8 даража совуқ, кундузлари 1 даража совуқ билан 4 даража иссиқ атрофида бўлади. Айрим кунлари кечалари совуқ 10—15 даражагача етади.

ФАН-ТЕХНИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

ЭЛЕКТРОВОЗЛАРНИНГ ТАЖРИБА НАМУНАСИ

Чехословакиялик темирйўлчилар «Шкода-69» маркали универсал электровознинг иккита тажриба намунасини синовдан ўтказиб бўлдилар. Шу корхонанинг машинасозлари Пльзень шаҳрида яратган локомотивлар ўзгарувчан токли, шунингдек ўзгармас токли электр линияси бўлган магистралларда ишлатила берилиши мумкин. Бу локомотивлар товар, пассажир поездларини тирнашга мўлжалланган.

Уларнинг асосий фазилати— ғоят тежамлилигидир. Синов чоғида шу нарса маълум бўлдики, ҳар бир янги локомотив бир йилда 50 минг киловатт-соат электр энергиясини тежайди.

Редактор
М. ҚОРИЕВ.

ТЕЛЕВИДЕНИЕ

БУГУН

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.40 — Ҳужжатли фильм. 10.00 — Будильник. 10.30 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 11.30 — Ҳужжатли фильмлар. 12.15 — Тонгги почта. 12.45 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 13.00 — Қишлоқ янгиликлари. 14.00 — Музикали киоск. 14.30 — Ҳаммага маълум бўлган сир. Бадиий фильм. 1 ва 2 серициялар. 17.00 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.00 — Мультфильм. 18.30 — Халқаро панорама. 19.15 — Бирлликда аҳил оиламиз. 19.50 — Юмор кечаси. 21.30 — Время. 22.05 — Кўршапалак. Оперетта. 23.30 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Зарядкага сафланинг. 9.20 — Объектив. 10.00 — Ҳужжатли фильмлар. 10.35 — Эртак ҳузурида меҳмонда. 12.10 — Ҳайвонот оламида. 13.10 — Камалак. 13.30 — Ҳужжатли фильм. 14.45 — Инсон. Ер. Коинот. 15.30 — Эрмитаж. 16.00 — 9-студия. 17.00 — Тўпли хоккей. «Зорький» — «Старт». 17.45 — Музикали кечалар вокал турнирида романслар. 18.10 — Кундан кунга. Телеспектакль. 5-боб. 19.25 — Театр афишаси ёнида. 20.25 — Концерт. 21.15 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар. 21.30 — Время. 22.05 — Қисқа метражли бадиий фильмлар.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Мультфильмлар. 10.20 — Н. Шерматов рақсга тушади. 11.05 — Цирк усталари. А. Юсупов. 11.45 — Мультфильм. 12.00 — Қувноқ стартлар. 13.00 — Эй, ковбойлар. Бадиий фильм. 18.05 — Дилдан куйлаб, ўйна қувнаб. 19.05 — Ахборот. 19.20 — Катталар учун мультфильмлар. 20.10 — Ахборот. 20.30 — Фильм-концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Кавказ асираси. Кинокомедия.

16.00 — Фрунзе кўрсатувлари.

РАДИО

БУГУН

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 8.30 — Лирик қўшиқлар. 9.15 — Табассум. 11.30 — Танбур тароналари. 12.10 — Ўзбекистон ишчиси. 13.00 — Жамоатчи мухбирлар ёзадилар. 13.30 — Ишлаб чиқариш илғорлари. 14.00 — Қишлоқларимиз жамоли. 15.40 — Театр микрофон олдида. 17.30 — Концерт. 19.15 — Микрофон олдида «Навоъ» ансамбли. 20.15 — Радиотингловчиларнинг талабларига биноан концерт. 21.00 — Партия ҳодими минбари. 21.10 — Қишлоқ меҳнаткашлари учун концерт. 22.30 — Область театрлари артистлари куйлайди.

„ЗАНГОРИ ЭКРАН" ҲАФТАЛИГИ

4—10 ЯНВАРЬ

4 ЯНВАРЬ, ДУШАНБА

МОСКВА-I. 9.00—Время. 9.45 — Концерт. 10.05 — Мультфильмлар. 10.20 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 11.20 — Болалар учун фильм. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 15.50 — Сиз яратган боғ. 16.20 — Ўсмирлар учун музикали программа. 18.45 — Польшадаги социализм душманлари ҳақида. 19.15 — Халқ оҳанглари. 19.30 — КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга. 20.00 — Бирманинг миллий байрами. 20.30 — Репетитор. Телеспектакль. 21.20 — Время. 22.05 — Фильм-спектаклнинг давоми. 23.30 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.40 — Бадиий фильмлар. 11.00 — Байрам мультконцерти. 11.40 — Спорт-81. 12.25 — Будильник. 12.55 — Болалар учун музикали эртак. 13.35 — Қизил шапочка ҳақида. Бадиий фильм. 1-серия. 14.40 — Концерт. 15.20 — И. Франко туғилган кунинг 125 йиллигига бағишланган программа. 16.50 ва 18.30 Янгиликлар. 18.50 — Халқаро конкурслар лауреати В. Панкратов куйлайди. 19.15 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 20.15 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар. 20.30 — Фильм-балет. 21.00 — Спорт ҳафталиги. 21.30 — Время. 22.05 — Мақсад. Бадиий фильм. 1-серия.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Икки кучукчанинг саргузашти. Мультфильм. 11.50 — Фильм-концерт. 12.10 — Алвон елканлар. Бадиий фильм. 18.05 — Болалар учун фильм. 18.30. Арча атрофида қувнаймиз. 19.00 — Ешлик. 19.20 — Ахборот. 19.45 — Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Пауза. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Халқаро ахвол кундалиги. 22.20 — Бахт қулиб боқанда. Кинокомедия.

ТОШКЕНТ-II. 18.35 — Телефильм. 19.00 — Олий математика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Шифокор экрани. 20.50 — Телефильмлар. 21.30 — Москва II.

5 ЯНВАРЬ, СЕШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.45 — Фильм-спектакль. 12.10 — Фильм-концерт. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.15 — Уфқ. 17.15 — Концерт. 17.50— Павел аралашляпти. Бадиий фильм. 1 ва 2-серициялар. 18.45 — Жасорат. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Концерт. 20.00 — Ўн уч. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.00 — Русская зима. Концерт. 23.30 — Дунё воқеалари.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.40 — Пристань нарни қиргоқда. Бадиий фильм. 10.40 — Золушка. 11.10 —Мультфильмлар. 11.55 — Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади. 12.25 — Фильм-концерт. 13.05 — Қизил шапочка ҳақида. Бадиий фильм. 2-серия. 14.15 — Концерт. 14.50 — Қучлилар, довюраклар, эпчиллар. 15.35 — Д. Шостаковичнинг опера театри. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Концерт. 19.15 — Қишлоқ янгиликлари. 20.15 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар. 20.30 — Илмий-оммабоп фильмлар. 20.55 — Африка. 1981 йил. 21.30 — Время. 22.00 — Мақсад. Бадиий фильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Мультфильм. 11.55 — Фильм-концерт. 17.20 — Пионерлар ўйида. 17.50 — Ешлик оролы. Бадиий фильм. 18.00 — Мультфильм. 18.10 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 18.40 — Миллионлар ленинча университети 19.00 — Ўзбек шоирларнинг янги таржималари. 19.30 Ахборот. 19.45 — Концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 22.20 — Ўлик мавсум. Бадиий фильм. 1-серия.

ТОШКЕНТ-II. 18.10 — Телефильм. 18.40 — Ўқитувчи экрани. 18.50 — Реклама. 19.00 Физика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Немис тили. 20.50 — Инсон ва замон. 21.30 — Москва II.

6 ЯНВАРЬ, ЧОРШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.45 — Концерт. 10.45 — Болалар учун фильм. 11.25 — Киносаёҳатчилар клуби. 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Кинопрограмма. 16.00 — Горичилар, каердасиз! 16.45 —Концерт. 17.00 — Сенинг ленинча кутубхонанг. 17.45 — Павел аралашляпти. Бадиий фильм 3 ва 4-серициялар. 18.45 —Врач суҳбати. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 — Экономика тежамли бўлиши керак. 19.45 — Концерт. 20.20 — Олам кинокамера кўзгусида. 21.30 — Время. 22.00 — Концерт. 23.10 — Дунё воқеалари. 23.25 — Поэзия.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 —Ҳужжатли фильм. 9.40 — Мақсад. Бадиий фильм. 1-серия. 10.45 — Цирк санъати 11.15 — Р. Стивенсон. Ҳаёти ва ижоди. 12.15 —Айгалек ансамблининг чиқиши. 12.40 — Звездочёт. 13.25 —Қадимий рус романслари. 14.00 — Болалар учун фильм. 15.20 — Концерт. 16.00 — Фильм-концерт. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.45 — Концерт. 19.05 — Санъат усталари. О. Андровская. 20.15 — Ҳайрли тун, кичкинтойлар. 20.30 — Фильм-концерт. 21.10 — Ҳужжатли фильм. 21.30 —Время. 22.00 — Футбол. Халқаро турнир. Болгария — СССР-I.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Мультфильм. 11.50 — Фильм-концерт. 12.20 — Степан хотиралари. Бадиий фильм. 18.05 — Умид стартлари. 18.40 — Шоирлар — болаларга. 19.10— КПСС XXVI съезди қарорлари — ҳаётга! 19.30 — Ахборот. 19.45 — Фильм-концерт. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.00 —Халқаро ахвол кундалиги. 22.15 — Ўлик мавсум. Бадиий фильм. 2-серия.

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Телефильм. 18.30 — Бунёдкорлик уфқлари. 19.00 — Химия. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Математика. 21.20 — Телефильм. 21.30 — Москва — II.

7 ЯНВАРЬ, ПАЙШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.45 — Фильм-концерт. 11.00 — Ўн уч. Бадиий фильм. 12.30 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильмлар. 16.10 — А Правилов ижросида романслар. 16.45 — Шахмат мактаби. 17.15 — Павел аралашляпти. Бадиий фильм. 5 ва 7 серициялар. 18.45 — Миллионлар ленинча университети. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30 —Онда-да маслаҳатлашиб кўринг. 20.00 — Бедарак йўқолганнинг изидан. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 22.35 — Дунё воқеалари. 23.05 — Ҳужжатли фильм.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Ҳужжатли фильм. 9.40 — Мақсад. Бадиий фильм. 2-серия. 10.50 — Концерт. 11.15 — К. Чуковский ижоди. 12.00 — Халқ қўйлари. 12.15— Адабий викторина. 13.30 —Салом, мен қолдаман бўламан. Бадиий фильм. 15.10 — Концерт 15.30 — Телевизион Фильм. 10.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Фильм-концерт. 20.00 — Ҳужжатли фильм. 20.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.30 — Жаҳон халқларининг ижоди. 21.00 — А. Твардовский. Поэмалар. 21.30 — Время. 22.05 —Мақсад. Бадиий фильм. 3-серия.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Мультфильм. 11.45 —Бойчечак. 12.15 — Кичик сержант. Бадиий фильм. 18.05 — Фильм-концерт. 18.20 — Ешлик. 19.00— Биз яшайдиган ер. 19.30 —Ахборот. 19.45 — Телевизион новеллалар театри. Она. 20.15 — Пахтакорларнинг қишки юмушлари. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — Фильм-концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Она тили. 18.45 — Телефильм. 19.00 — Назарий механика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Пойтахт области чорвадорлари ҳузурида. 20.50 — Телефильм. 21.30 — Москва-II.

8 ЯНВАРЬ, ЖУМА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.45 — Мультфильмлар. 10.25 — Концерт. 10.55 — Бедарак йўқолганнинг изидан. Бадиий фильм 12.25 ва 15.00 — Янгиликлар. 15.20 — Ҳужжатли фильм. 16.10 — Рус тили. 16.40 — Орлёнок. 17.30 —Подмосковье учрашувлари. 18.00 — Мунозара клуби. 19.15 — Дунё воқеалари. 19.30—Фильм-концерт. 19.45 — Фан оламида. 20.15 — Хавфли ёш. Бадиий фильм. 21.30 — Время. 22.00 — Концерт. 23.05 —Дунё воқеалари. 23.20 — Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.40 — Мақсад. Бадиий фильм. 3-серия. 10.55 — Фильм-концерт. 11.25—АБВГД-ейка. 14.00 — Болалар учун фильм. 15.10 — Киносаёҳатчилар клуби 16.10 — Концерт. 16.50 ва 18.30 — Янгиликлар. 18.50 — Фарзандларимизнинг куни. Бадиий фильм. 20.05 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.20 — Спорт программаси. 21.30 — Время. 22.05 Футбол. Халқаро турнир СССР-I — Бразилия.

ТОШКЕНТ-I. 11.30 — Фильм-концерт. 12.00 — Ўрмон фестивалига мархамат. Спектакль. 13.30 — Қизил гул. Бадиий фильм. 18.05 — Болалар учун фильм. 18.45 — Ешлик. 19.15 — Коммунистлар ҳақида ҳикоялар. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Ўзбекистон балети ҳақида. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Ўзбекистон балети ҳақида (давоми). 21.30 — Время. 22.00— Дунё воқеалари. 22.30 —Эртага — премьера.

ТОШКЕНТ-II. 18.15 — Телефильм. 18.30 —Фильм-концерт. 19.00 — Физика. 20.00 — Янгиликлар. 20.20 — Чизма геометрия. 21.20 — Телефильм. 21.30 — Москва-II.

9 ЯНВАРЬ, ШАНБА

МОСКВА-I 9.00 —Время. 9.40 — Буратино кўргазмаси. 10.10 — Ота-оналар, Сизлар учун. 10.40 — Советлар ва ҳаёт. 11.15 — Камалак. 11.50 —Сизни қизиқтирган адабиётлар. 12.35 — Спортлото. 12.40 — Кўёш хазинаси. 13.25 — Концерт. 13.45 — Голиблар. 15.00 — Дунё воқеалари. 15.15 — Қисқа метражли бадиий фильмлар. 15.45 — Ҳамдўстлик. 16.15 — Ҳайвонот оламида. 17.25 — Сиёбий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати. 17.55 — Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати. 18.25 — Музикали программа. 19.05 — Ҳужжатли фильм. 20.05 — Мафтункор бахт юлдузи. Бадиий фильм. 1-серия. 21.30 — Время. 22.05— Театр учрашувлари. 23.40 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Гимнастика. 9.15 — Соғлом бўлай десанг. 9.25 — Илмий-оммабоп фильм. 9.40 — Фарзандларимнинг куни. Бадиий фильм. 10.45 — Музикали программа. 11.15 — Қувноқ стартлар. 12.00 — Концерт. 12.40 — Фильм-концерт. 13.05 — Ҳужжатли фильмлар. 13.35 —Юлдуз кўз. Бадиий фильм. 14.55 — Концерт. 15.25 — Ҳужжатли фильм. 15.55 — Концерт. 16.40 — Халқаро обзор. 16.55 — Музикали киоск. 17.55 — Чин қалбдан. 19.25 — Эрмитаж. 20.00 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.15 — Спорт программаси. 21.30 —Время. 22.05 — 12-кеча. Бадиий фильм.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Янги йил эртаги. 10.50 — Сўз кетидан сўз келар. 11.10 — Биринчи синфда яшаган эканлар. Бадиий фильм. 12.20 — Концерт. 13.00 — Шахмат мактаби. 13.30 — Буни ҳамма билиши ва ўзлаштириши керак. 18.15 — Қўғирчоқ фильм. 18.20 — До-ре-ми-фа-соль. 18.50 — Кўргазма залида. 19.15 — Чорвачилик — зарбдор фронт. 19.30 — Ахборот. 19.45 — Оламга саёҳат. 20.30 — Ахборот. 20.50 —Қўшиқ айтган етар муродга. 21.30 — Время. 22.05 — Гамлет. Бадиий фильм. 1-серия.

10 ЯНВАРЬ, ЯКШАНБА

МОСКВА-I. 9.00 — Время. 9.45 — Концерт. 10.30—Будильник. 11.00 — Совет Иттифоқига хизмат қиламан. 12.00 — Здоровье. 12.45 — Тонгги почта. 13.15 — Ҳамма нарсани билишни истайман. 13.25 — Қишлоқ янгиликлари. 14.25 — Музикали киоск. 14.55 — Ҳаётга йўлланма. 15.50 — Янги йил арча байрами. 16.50 — Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати. 17.35 — Киносаёҳатчилар клуби. 18.35 — Фильм-концерт. 19.05 — Мультфильмлар. 19.25 — Халқаро панорама. 20.10 — Мафтункор бахт юлдузи. Бадиий фильм. 2-серия. 21.30 — Время. 22.05 — Концерт. 23.00 — Фигурали учиш бўйича СССР чемпионати. 23.55 — Янгиликлар.

МОСКВА-II. 9.00 — Зарядкага сафланинг. 9.20 — Илмий-оммабоп фильм. 9.40 — Ўн иккинчи кеча, Бадиий фильм. 11.05 — Волгаликлар театри билан учрашув. 11.55 — Мўъжизасиз-мўъжизалар. 12.55 — Тошкиндаги бахт. Бадиий фильм. 14.15 — Мультфильмлар. 14.55 — А. Карпов билан учрашув. 15.40 — Кино, театр ва телевидение музикаси. 17.25 — Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар. 17.55 — Кундан кунга. Спектакль. 18.55 — Бизнинг биография. 1-фильм. 20.00 — Концерт. 20.15 — Хайрли тун, кичкинтойлар. 20.30 — Ҳужжатли фильм. 21.00 — Эрмитаж. 21.30 — Время. 22.05 — Пролетар Анна. Бадиий фильм. 23.45 — Футбол. Халқаро турнир. Италия — СССР-I.

ТОШКЕНТ-I. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Ҳужжатли фильм. 10.25 — Ўзбекистон спорти 11.00 — Тентак Иванушкайнинг мўъжиза излагани. Бадиий фильм. 12.15 — Қувноқ стартлар. 13.15 — Концерт. 14.05 — Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун. 14.35 —Реклама. 17.55 — Мультфильмлар. 18.30 — Фонарик. 19.00 —Тошкент — 2000 ёшда. 19.30 —Ахборот. 19.45 — Цирк. 20.30 — Ахборот. 20.50 — Концерт. 21.30 — Время. 22.05 — Гамлет. Бадиий фильм. 2-серия.

Театр

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 3/I да **Олтин девор** (12.00), **Келинлар кўзголони** (16.00), 4/I да **Абу Али ибн Сино** (12.00), **Кузнинг биринчи куни** (16.00), **Кузнинг биринчи куни** (19.30), 5/I да **Кузнинг биринчи куни** (12.00), **Оқ танли лар** (16.00).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 3/I да **Хотинимнинг эри**, 4/I да **Дилафрузга тўрт ошиқ**, 6/I да **Олифта.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **«Циркда арча» янги йил цирк томошалари** (10, 13, 16, 19.30).

●

В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ **БИОЛОГИЯ-ТУПРОҚШУНОСЛИК ФАКУЛЬТЕТИНИ 1961 ЙИЛДА БИТИРГАНЛАР БИЛАН**

УЧРАШУВ

8 январь соат 15.00 да

ФАКУЛЬТЕТДА ЎТКАЗИЛАДИ

Адрес: 700095, Тошкент-95, ГСП, Студентлар шаҳарчаси, биология-тупроқшунослик факультети.

Ўзбекистон ССР Телевидение ва радиошиттириш давлат комитети ҳамда Ўзбекистон ССР Театр жамияти коллективлари этнографик ансамблининг созандаси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист, Ўзбекистон ССР Театр жамияти аъзоси А. Абдуллаевга қизи

Зухра АБДУЛЛАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қиладилар.

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ
Орган ЦК Компартии Узбекистана, Верховного Совета и Совета Министров Узбекской ССР.
Редакция адреси: 700000, Тошкент-П, Ленин кўчаси, 41

ТЕЛЕФОНЛАР: редактор — 33-65-45, 32-53-04; редактор ўринбосарлари — 33-06-83, 32-55-04, 33-44-55, 32-55-05; масъул секретарь — 33-79-14, 32-53-05; секретариат — 33-72-83, 32-53-06, 32-54-11; БЎЛИМЛАР: партия турмуши — 33-34-69, 32-53-97, 32-57-19; марксизм-ленинизм назарияси пропаганда — 32-55-70; коммунистик тарбия — 32-54-29; халқаро ҳаёт — 32-54-14; саноат, транспорт ва капитал қурилиши — 33-47-80, 32-53-14, 32-54-09; қишлоқ хўжалиги — 33-76-04, 32-53-15, 32-53-70; адабиёт ва санъат — 33-20-36, 32-54-35, 32-55-16; совет қурилиши — 32-57-20, 32-54-18; фан, мактаб ва олий ўқув юртлари — 33-44-51, 32-57-21, 32-54-24; ахборот ва спорт — 32-14-24, 32-55-17, 32-54-26, 32-54-27; хатлар ва оммавий ишлар — 33-21-43, 32-53-16, 32-53-20, 33-35-53, 32-54-13; иллюстрация — 32-57-22, стенографистка — 33-73-43; 32-54-05; жамоатчилик қабулхонаси — 32-54-16; эълонлар бўлими — 33-81-42; ОБЛАСТЬ МУХБИРЛАРИ: ККАССР — 2-42-62; Тошкент — 32-53-20; Самарқанд — 6-48-35; Сирдарё — 2-05-27; Сурхондарё — 3-92-36; Хоразм — 5-51-24; Бухоро — 3-31-42; Қашқадарё — 61-35; Фарғона — 4-20-84; Наманган — 6-70-78; Андижон — 4-48-85; Жиззах — 2-31-66. Нашриёт диспетчери — 32-78-94; Нашриёт телефон станциясининг навбатчиси — 33-90-50.

Р. 01701. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри. ИНДЕКС